



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 14-noyabr №46 (4289)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ ШЕЪРИЯТ

Замонавий ўзбек адабиёти мисоли гуркираб, яшаб турган фусункор боғки, бу азим боғнинг асрий чинорлари унга алоҳида кўрку салобат бағишлаб туради. Биз ана шу чинорлар тимсолида улғу адибларимиз, шоирларимизнинг барча замонларда китобхон халқимиз маънавий мулки бўлиб қоладиган дурдона асарларини — мумтоз ижодий меросини кўрамиз.

Бу мерос бетакдор асарлари билан адабиётимиз хазинасини бойитган, фидойилиги, мардона руҳияти ва маънавий жасорати билан халқимиз фахру ифтихори-га айланган атоқли устоз санъаткорларнинг авлодларга муносиб тухфаси ҳамдир.

Муҳтарам Ортбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига халқимизнинг асл фарзандлари — ҳақиқий ватанпарвар, адолатпарвар инсонлар ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай ёзади: "Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намойён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди".

Дарҳақиқат, ўзининг муҳташам шеъриятида халқи ва она-юртини, вафо ва садоқатини, эзгулик ва гўзаллиқни бадииятнинг юксак пардаларида қуйлаган шоиранинг босиб ўтган умр йўли ва ибратли фаолияти замондошларга маънавий жасоратдан ҳаётий сабоқдир.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг шеърляти ҳаммаша эъзозу эътирофда. Шоира таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарор ҳам ана шу эътибор ва ардоғнинг тасдиғидир. Қарорда Ўзбекистон Ёзувчилар мамлакатимиз олдида ҳам қатор муҳим вазифалар қўйилган. Ана шу вазифалар ижроси юзасидан уюшмада ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

— Муҳтарам Ортбошимизнинг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз микёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори адабиётга, маънавиятга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин мисоли,

олиб борилаётган изчил сиёсатнинг яна бир намоёни бўлди, десак тўла ҳақимиз, — дейди Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Қолаверса, ушбу қарор барча ижод ахли, уюшмамиз фаолиятига берилган юксак баҳо ва эътироф ҳамдир. Халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбига сеvgи, садоқат, нафосат, гўзаллик, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтиришда Зулфия шеърлятининг аҳамияти бекиёс.

Ёзувчилар уюшмасида

Айни вақтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида олий ва ўрта-максус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда танлиқ адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида шоира ижодига бағишланган учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш учун ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Жумладан, Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоиранинг "Сайланма" ва "Баҳор келди сени сўроқлаб" китоблари, инглиз тилида "Мен ишқ эдим...", рус тилида "Юрагимдан чиққан сатрлар", қорақалпоқ тилида "Мушора" шеърли тўпламлари, "Зул-

фия замондошлари хотирасида", "Ой теграсида юлдузлар" каби китоблар нашрга тайёрланяпти.

Шунингдек, тадбирлар доирасида шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли филм яратиш, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида "Мустиқлик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти" мавзусида илмий конференция ва пойтахтимиздаги Зулфия ҳайкали қошида адабий учрашувлар ўтказиш, 2015 йил март ойида Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройида зиёлилар, фаол хотин-қизлар, Зулфия номида-

ги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишлаб ўтказиладиган ижодий кеча сингари анжуманлар чин маънода адабиёт ва маънавият байрамига айланиши мукаррар.

Шоиранинг таваллуд санасини нишонлаш арасида белгиланган чора-тадбирлар, режадаги эзгу вазифаларнинг юқори савияда амалга оширилиши ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга, улар қалбига она-Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашга, адабиётимизни янада раванқ топтириб, замондошларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

18 ноябр — Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун

МАТОНАТ РАМЗИ

Ҳилпирайди байроқ — кўзгалар юрак,
Минг йиллик туйғулар, минг йиллик тилак.
Дилларда сўнмагай меҳру ифтихор,
Эътиқодим — Ватан, буюк келажак.
Бир тонгда ушалган асрий армоним,
Менинг емиримас метин кўргоним.

Ундан уфурди юртнинг нафаси,
Хурлик шалоласи, озодлик саси.

Олис ўлкаларда ҳилпираб, ёниб
Кўрсатиб турибди халқим баҳорин.
Гўёки онанинг меҳридан қониб,
Кўргандек бўлади ўзбек диёрин.
Олис-олисида ҳам она меҳри у,
Ватан муҳаббатин рамзи, сеҳри у.

Қаддига муносиб мағрур қаддимиз,
Тугимиз кўтариб борамиз дадил.
Бардошимиз метин, қатъий аҳдимиз,
Буюк келажакка етамиз аҳил.
Тоабд ҳилпираб турсин байроғим,
Келар авлодларга мангу мағғим.

Мунаввара КУРБОНБОВА,
тил ва адабиёт ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси мамлакатимиз тараққиётининг истиқбол режаларини муҳокама этишдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Молия вазири Рустам Азимова ва мамлакатимизнинг 2015 йилги давлат бюджетни, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузаси сенаторлар томонидан катта қизиқиш билан тингланб, муҳокама этилди.

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Мамлакатимиз ҳудудларининг sanoat потенциали имкониятларини ошириш, янги sanoat иншоотларини ишга тушириш ва фойдаланишга топшириш, янги темир йўллар қуриш ва мавжуд йўлларни электрлаштириш, янги автомобил йўллари барпо этиш ва реконструкциялаш билан бирга маҳаллий йўлларимизни ҳам ҳар жиҳатдан ободонлаштириш ва қайта қуришга йирик ҳажмда давлат маблағлари ажратиш кўзда тутилмоқда. Замонавий лойиҳадаги янги қишлоқ уйлари қурилишини кенг қўламли давом эттириш, айни чоғда, уларнинг инфратузилма объектлари қурилиши, шунингдек, юздан ортиқ умумтаълим мактаблари учун ҳар жиҳатдан жиҳозланган спорт заллари қуриш, ҳар бир йирик мактаб муассасасини замонавий спорт заллари билан таъминлаш, олий ўқув юрларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув ва ётоқхона мажмуалари қурилишига янада катта аҳамият қаратилади.

Хоразм автомобил ишлаб чиқариш бирлашмаси каби илғор технологиялар билан жиҳозланган sanoat корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бориш, Устюрт газ-кимё мажмуини сув билан таъминлаш тармоғини барпо этиш каби кенг қўламли режаларга ҳам катта миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Умуман, келгуси йили қурилиши кенг миқёсда давом эттириладиган бундай йирик корхоналар кўп. Масалан, биргина Самарқанд вилоятида барпо этилаётган қуёш нуридан электр энергияси ҳосил қилиш корхонаси 100 мВт. электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу эса вилоятнинг бешта туманида электр энергиясига бўлган эҳтиёжни тўқис таъминлаш имкониятини яратди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловлар ставкаси 2015 йилдан эътиборан 25 фоиздан 15 фоизга, микрофирма ва кичик корхона тарзидаги қурилиш ташкилотлари учун эса ягона солиқ ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга тушириладигани ҳам солиқ юқини камайтириш ва аҳоли даромадларини ошириб бориш йўлидаги муҳим тадбир-

лардан бири сифатида алоҳида эътиборга моликдир.

2015 йилда давлат бюджетининг ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун мўлжалланган маблағлари миқдори бюджет ҳаражатлари умумий салмоғининг 59,2 фоизини ташкил этади. Бошқача айтганда жорий йилдаги нисбатан 1,2 баробар ошди. Бюджетдан маблағ ажратиш кўрсаткичлари келгуси йили ички

Ватан учун яшайлик

ялпи маҳсулот миқдорининг 8 фоиз ўсиши кўзда тутилган ҳолда ишлаб чиқилган. Олий Мажлис Сенати 2015 йил учун кўзда тутилётган давлат бюджетини тасдиқлади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Азиз Абдуҳақимовнинг 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги маърузаси ҳам сенаторлар томонидан ишчанлик руҳида муҳокама этилди. Маърузада янги иш ўринлари очиб ва ёшларни ўз касб-хунарларига мувофиқ ишлар билан таъминлаш борасида мамлакатимизда шаклланган яхши тажриба ҳориж мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилаётганига эътибор қаратилди.

Президентнинг Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатимизнинг тараққиёт дастурларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб бориш Ватанимизнинг буюк келажagini яратиш йўлидаги дадил қадамлар сифатида ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва фаолиятида, фарзандларимизнинг бахт-саодати ва порлоқ истиқболда ўз самараларини намойён этиши шубҳасиз.

Сенаторлар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг музрожаатлари тўғрисида", шунингдек, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуларини ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси бугун ўз ишини давом эттиради.

"ХУСНИ ОРТАР ЮЗДА..."

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "айлагач" радиодифи газали шундай матлаб билан бошланади:

Хусни ортар юзда зулфия анбар афшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Байтда ёр хуснининг бемисл бир жилваси ўта нозик шоирона дид ва юксак маҳорат билан чизиб берилган. (Ёр) зулф(соч)ини юз узра ёйиб, анбар афшон қилганда, хусни янада ортиб кетади. Анбар қора рангли хушбўй модда бўлиб, ёр зулфи яширин тарзда анбарга ўхшатишган: зулф ҳам анбар сингари қора ва хушбўй, у ёр юзи узра ёйилиб, хуснига хусн қўшган. Лекин шоир бу билан қаноатланмайдиган. Иккинчи мисрада тамсил санъатига музрожаат қилиб, ўз фикрини ўша давр кундалик ҳаётидаги бир ҳодиса билан далиллайди: ахир, шамъ ҳам тори (ипи) паришон қилинганда (ёйилганда, тўзгитилганда) равшан бўлиб кетади-да!

Ҳар иккала мисрадаги манзараларнинг умумий ўхшашлигидан ташқари, бир-бири-

нинг мазмунини тўлдиришга, тасвирнинг янада аниқ ва ёрқин бўлишига хизмат қилувчи қатор сўз-тимсоллар бор: юз — шамъ, хусн — равшан, зулф (соч) — тор (ип), анбар — паришон. Мазкур жуфтликлардан маълум бўладики, ёр чехраси шамъ ўтига, хусни шамъ ўтининг шуъласига, сочлари эса шамънинг ипларига қиёс қилинган: шамъ иплари тўзгитиб юборилганда, қандай равшанлашиб кетса, ёр ҳам мунаввар чехраси узра қора ва

Навоийни ўрганиш

нозик сочларини ёйиб юборганда, хусни шундай ортиб кетади.

Анбар — паришон сўзларининг байтда алоҳида ўрни бор: улар байт маъносига қўпқатилик каби ноёб фазилатни юзага келтирган. Гап шундаки, анбарафшонлик сочга, паришонлик эса торта нисбат берилган бўлса ҳам, анбарафшонликнинг тор билан ҳам, паришонликнинг эса соч билан ҳам алоқаси бор: анбарин соч, паришон соч; анбарин шамъ, па-

ришон шамъ. Мумтоз адабиёт намуналаридан юз узра ёйилиб тургани учун ёр сочларига паришон сифати берилгани маълум. Шамъ ипларининг паришон бўлишини ҳам тушуниш мумкин, лекин шамъдан ёр зулфи сингари анбар исларининг таралишини тасаввур қилиш учун Навоий давридаги шамъ тайёрлаш жараёнини эслашга тўғри келади. Ўтмишда хоналар, жумладан, муаззам кошона ва саройлар фақат шамъ билан ёритилган. Катта ва кенг хоналарни ёритиш учун эса юзлаб шамлар ёқилган. Улардан тарқаладиган бадбўй ҳид ва тутуннинг олдини олиш учун шамъга тайёрланаётганда анбар ва мушк сингари хушбўй моддалар қўшиб юборилган. Шамъ ёқилганда атрофга анбарин ҳидлар таралган. Энди байтнинг мазмунига яна бир бор назар ташлаймиш. Шамъ пилиги тўзгитилганда, қандай равшан нур сочса, ёр сочларини юзи узра ёйиб юборганда ҳам хусни шундай ортиб кетади. Шамъ пилиги тўзгитилганда, атрофга қандай анбарин ҳидлар таралса, маъшуқа сочларини юз узра ёйиб юборганда ҳам шундай хушбўй ҳидлар таралади.

Абдулҳамид КУРБОНОВ,
Наманган давлат университети
катта ўқитувчиси

ҚИЗИЛҚУМ НАВОЛАРИ

Навоий шаҳридаги "Фарход" маданият уйида "Қизилқум наволари — 2014" ёш аънава ижрочиларининг танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон тарзда ўтказиб келинаётган ушбу тадбир қутилганидек, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан истеъдод эгаларини жамлади. Барча қишқирлар Муассар Раззоқова, Қозим Қасимов, Рустам Абдуллаев каби танлиқ хонанда ва композиторлардан иборат ҳайъат жамоаси томонидан баҳолаб борилгани эса қолиблар профессионал ижрочилик талаблари асосида сараланганидан далolat беради.

Танлов уч босқичда ўтказилиб, иштирокчилар эстрада ижрочилигининг турли йўналишларида ўз истеъдодини намоёниш этди. Овоз маҳорати билан бир қаторда, қўшиқ учун танланган шеърнинг бадиий мазмуни, либос танлаш санъати, сахнавий ҳаракатлар уйғунлиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳайъат қарорига кўра биринчи ўрин Самандар Ҳамидов ҳамда Мадина Файзуллаевага насиб этди. Икки ўринга Дилшод Саматов ва Мақсад Элжонов сазовор бўлган бўлса, учинчи ўринга Руслан Аҳидаев, Феруза Ибодуллаева, Ойдин Файзуллаева ҳамда Диана Назирова лойиқ деб топилди.

Танлов



КЎЗДА БАҲОР
КАЙФИЯТИ

Ўзбек адабиётининг тарихий илдиэлари жуда теран. Ўзбек адабиёти деганда, узоқ тарихга эга бўлган, жаҳон адабиётини дурдона асарлар билан бойитган мухташам адабиёт саройи кўз олдимизга келади.

Бугун ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори адабиётимизда ҳам юз бераётган том маънодаги янгиланиш ва юксалиш жараёнини кузата туриб, кўнгилда беихтиёр: “Ана шундай қадим ва бой тарихга, теран илдиэ ҳамда анъаналарга эга бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмаган адабиётимизнинг мустамлака даврида аҳволи қандай кечган эди?”, деган савол туғилади.

Бу саволга жавоб излаганда, афсуски, кўп нохуш воқеаларга дуч келамиз.

Аввало, бу даврда тарихимиз сохталаштирилди, тарихий шахслар (айниқса, давлат арбоблари) ва диний уламолар ҳақида ёзиш мутлақо тақиқлаб қўйилди. Шундай асарлар пайдо бўлса, муаллифга дарҳол “ўтмишни кўсмамоқда”, “ўтмишни идеаллаштирмоқда” ёки “халқлар дўстлигини бўзиб кўрсатди”, деган тамғалар ёпиштирилди.

Чунончи, ўзбек тарихий романчилигининг тамал тошини қўйган Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи ўз вақтида ман этилди, уни ўқиган одамлар таъкиб қилинди. Академик адиб Ойбекнинг “Навой” романи ҳам 50-йилларда ноҳақ танқид ва хуружларга учраганини кўпчилик яхши билади. Роман муаллифи руҳий таъзияларда қолди, шунинг оқибатида умрининг охириги ўн беш йилда тилдан қолиб яшади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг Бобур Мирзога бағишланган, кейинчалик жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган “Юлдузли тунлар” номли тарихий романи ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг пленумида говий жихатдан зарарли, деб ноҳақ қоралангани, шу туфайли нашриёт тортмасида беш йил чоп этилмасдан ётгани эсимда. 1983 йили Бобур Мирзо таваллудининг 500 йиллиги бутун дунёда нишонлангани ҳолда, улуғ шоир ва саркарда тутилган юртда тор доирада биргина мажлис ўтказилган эди, холос.

Адабий таъзиялар ҳар қадамда учрар, ёзувчилар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилишга мажбур этилган эди. Миллий-диний қадриятларни нафақат улуғлаш, балки ўрганиш ҳам қилинган. Масалан, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Хожа Аҳмад Яссавий ижодини ўрганиш тақиқлаб қўйилди, ҳикматларини нашр этишга йўл қўйилмади. Унинг тил ва адабиёт тарихидаги хизматлари ҳаспўшланди. Унга таркидунёчиликни тарғиб этувчи диний-мистик оқим куйиқси, деган айбни қўйдилар. Шоир ижоди билан шуғулланган олимларга маъмурий жазолар қўрилгани ҳам маълум.

Уша замондаги адабиётимизга бепасандликнинг яна бир яққол намунаси ўзбек шоирларининг асарларини рус тилига таржима қилиш жараёнида намоён бўларди. Аксарият рус таржимонлари адабий ижоди-мизга ўз билгичига, ўзбошимчилик билан ёндашишар, хоҳлаганча ўзгартиришар, таржима қилмай ташлаб кетишар, қисқартиришар эди. Шу сабабдан, кўпинча ўзбек шоири ўз шеърини русчада ўқиб, танимай қоларди.

Мисол учун, Алишер Навоий асарлари таржималарига мурожаат этайлик.

Албатта, бу ўринда адолат эъзасидан эътироф этиш керакки, Н.И.Конрад, Е.Э.Бертельс, С.Н.Иванов сингари рус олимлари улуғ шоир ижодини холислик билан ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Чунончи, Евгений Эдуардович Бертельснинг “Навой. Ижодий таржимаи ҳол таҳрибалари” (1948 й.) китоби, “Навой ва Аттюр”, “Навой ва Жомий” сингари тадқиқотлари Навоий шахсини ва унинг ижодидаги тасаввуф моҳиятини тўғри талқин этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Санкт-петербурглик шоир, таржимон ва олим, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Сергей Николаевич Иванов фаолияти ҳам диққатга сазовор. У мустабид тузум даврида ўзбек тилидан бевосита рус тилига таржима қила оладиган ягона таржимон эди, десак, муболаға қилмакча бўламиз. У ўзбек тилини мукамал билар эди. Унинг Тошкентда босилган “Кровное слово” (1981 й.) мажмуасига мумтоз ва замонавий шеърятимизнинг ўттиз нафар вакили ижодидан намуналар кири-тилган эди.

Сергей Иванов ўзини, асосан, Алишер Навоий ижодининг муҳлиси ва таржимони, деб биларди. У шоирнинг юзлаб ғазал, рубоий, фард, қитъа, туюқларини рус тилига меҳр билан таржима қилди. “Лисон ут-тайр” достони-нинг таржимаси (1970 й.) эса олимнинг таржимонлик фаолиятида юксак чўкки бўлди. Китобда улуғ шоиримизнинг 60 ғазали, 5 та мухаммиси, 35 дан ортиқ рубоийси, туюқ, қитъа, афоризмлари берилган. Туюқлар таржимаси, айниқса, диққатни тортади. Туюқ жанри фақат ўзбек адабиётига хос бўлган ҳодиса. Унда, одатда, уч қофия бўлиб, фақат осор-нимлардан ташкил топади. Бу жанрда асар яратиш ижодкордан катта истеъдодни талаб қилади. Сергей Иванов Навоийнинг 7 та туюғини маҳорат билан таржима қилиб, рус тилида жаранглата олгани эътирофга лойиқдир.

Лекин, афсуски, ўз ишига ана шундай фидойиллик ва инсоф билан ёндашадиган мутахассислар кам эди.

Мана, кўлимизда Алишер Навоийнинг рус тилида нашр қилинган 920 бетлик салмоқли қўлйиети (“Навои”, “Советский писатель”, М., 1983) турибди. Китобга ҳамма жанрлардан намуналар, жумладан, “Хамса” дostonлари ҳам киритилган.

Рус тилига В.Державин таржима қилган “Хайрат ул-аброр” дostonи чиндан ҳам кишини хайратга солади. Борди-ю, ҳазрат Навоий бу таржимани кўрганларида, хайратланиб, дostonдаги йигирма мақолат ёнига йигирма биринчи мақолатни қўшиб, унда бадиий асарни қандай таржима қилиш, аслигига ҳалол ёндашиш, муаллифга ҳурмат борасида баҳс юритган бўлармидилар? Гап шундаки, 63 боб-

ли дoston XIV бобдан бошланади ва, бор-йўғи, 16 та боб берилади.

“Смятение праведных” (“Художественная литература”, М., 2009) китобида эса дostonдан 41 боб киритилган, бу ерда ҳам 21 боб умуман таржима қилинмасдан, қисқартириб юборилган.

Навоий ўз дostonларида ҳар бобга киришда матнда ифода этилмаган муҳим фикрни айтиб кетиш ниятида кичиккина, лекин залворли муқаддима илова қилади. Муқаддималарнинг ўзига хос жозибаси бор. Ўқувчи уни ўқиб, мутлоагага тайёрланади. Лекин “Хайрат ул-аброр” (В.Державин) билан “Фарҳод ва Ширин” (Л.Пеньковский) таржималарида таржимонлар бу муҳим муқаддималарни ортиқча

ТАРИХ САБОҚЛАРИДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ ЯНАЙЛИК

ёхуд адабиётимизнинг яқин ўтмишига бир назар

деб ҳисоблаб, ташлаб кетадилар ёки бир-икки сўз билан ифода қилишга уринадилар.

Юқорида айтганимиз, “Навои” қўлйиетида кўйдаги манзарани кўрамыз: “Фарҳод ва Ширин” — 54 бобдан 29 боб, “Лайли ва Мажнун” — 38 бобдан 25 боб, “Сабъаи сайёр” — 38 бобдан 15 боб, “Сади Искандарий” — 89 бобдан атиги 10 бобгина берилган, холос. Дostonлар матнидаги қолдириб кетилган боблар-сиз рус ўқувчиси Навоий даҳоси тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиши, албатта, қийин. “Хайрат ул-аброр” таржимасида таржимон яна ўз билгичига иш тутган: дostonнинг 12-бобдан бошларкан, бобга мазмундан хелиб чиқиб, ўзича: “О Низами и о Хосрове Делави”, 13-бобга “Об Абдурахмане Джами”, 62-бобга “Заклучение” (?), 63-бобга “Рассказ о рабе” деб ном қўяди.

Яна бир мисол. “Навои” қўлйиетида “Соқийнома” асари Вс. Родственский таржи-масида берилган. Шоир соқийга мурожаат қилар экан, жанр анъанасига кўра, Жамшид-дан бошлаб ўтган улур зотларни бир-бир эс-лаб ўтади ва шундай ёзади:

Қани Темур — шахи ислмопанох,
Ки жаҳон олди, чекиб хайли силоҳ,
Жадду обо санга авлод қани?

Оға-ини санга афход қани?

Кўриниб турибдики, ёнма-ён келган бу икки байтнинг бир-бирига алоқаси йўқ. Биринчи-сида қўшин йиғиб жаҳонни олган Темурбек йўқламоқда. Иккинчи байт эса, умуман, бани башарга, дайри дунга (“санга” — умуман маж-хул шахсга) қараб қилинган мурожаатдир.

Энди бу байтларнинг таржимасига эъти-бор беринг:

Где хан Тимур, что мир завоевал?

Он с армией бессечной прахом стал.

Нет ни детей его — твоих отцов,

Нет внуков — старших братьев-храбрецов.

Шоир, биринчидан, Темурбекни “хон”

деяётгани йўқ, чунки Амир Темур ўзини ҳеч қачон хон атамаган. Иккинчидан, бехисоб қўшин билан жаҳонни олди, дейилмоқда, холос. Таржимон эса ўйлаб-нетиб ўтирмай, Темур қўшини билан хоки туброб бўлди, деб аслиятда йўқ гапни қўшиб юборди, кейинги байтни унга ноўрин тиркаб қўлади. Мустамла-ка замонида бундай йўл тутмоқ бемалол эди-да. Натижада шоир ҳақида, у мансуб тарих ҳақида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлади. Холбуки, Алишер Навоий Соҳибқиронни маърифатпарвар подшо сифатида улуғлаб, “Маълолис ун-нафоис” асарида еттинчи мажлисини ҳурмат эхтиром кўрсатиб, Амир Темур номи билан бошлаган эди.

Бундай ҳолатларни кўрганда, мухтарам Юртбошимизнинг “Совет даврида бизга иккинчи сорт одамлар сифатида қарашар эди”, деган сўзлари қайта-қайта эсга туша-веради. Фақат одамларгина эмас, балки Ўзбекистондаги ҳамма нараса “иккинчи сорт”, деб қабул қилинади. Қадриятлар, урф-одат-лар, тарих, маданият, барча-барчаси... Жум-ладан, адабиёт ҳам.

Яқинда китобларни варақлаётиб, бир ада-бий тадқиқотдаги “Чигатой тили”, “Чигатой адабиёти” атамаларига кўзим тушди. Ажабо, бизнинг катта ва бой адабиётимиз, бизнинг ана тилимиз нега шундай аталган экан? Ким атаган? Қачон атаган?

Келинг, бу ўринда, аввало, узоқ тарихга юз буриб, “Чигатой ким эди?”, деган саволга жавоб топиб олайлик.

Чигатой (туғилган йили номаълум — вафо-ти 1242 й.) Чингизхоннинг иккинчи ўғли.

1224 йилда Чингизхон ўғилларига мулк улашади. Чигатойга ҳам қатта ҳудуд инъом этилади. Бу ҳақда муаррих Абдулғозий шун-дай маълумот беради: "...Мовароуннахрни ва Хоразмнинг баъзисини, билоди уйғур ва

Кошғар, Бадахшон, Балх, Газнидин то Синд сувиғача анга бериб эрди. Бу айтилган вилоятнинг ҳеч қайсисига ўзи берган йўқ. (Таъкид бизники — М.А.) Аммо доруғар-лар қўйиб эрди. Ўзи Ўғадойнинг қатинда эрди.” (Абдулғозий. “Шажарайи турк”. Т. 1992. 93-бет). Шундан сўнг Мовароуннахрни Чига-той улуси, деб атай бошладилар.

1224 йилдан ўн саккиз йил давомида Чига-той бу ҳудуд ҳукмдори бўлган. Мўғулларнинг босқинчилик юришларида у Чингизхон билан бирга бўлиб, Хитойга юришда, Мовароуннахр-ни истило этишда ғоят шафқатсизлик кўрсат-ган. Ака-укалари Жўжи ва Ўғадойлар билан биргаликда Ўтрорни олишда, Урганчи қамал қилишда қатнашган. 1221 йилнинг 25 ноябри-да Жалолиддин Мангуберди билан Синд дарёси бўйида юз берган аёвсиз жангда иш-тирок этган. Синд дарёсидан от солиб ўтиб кетган Хоразмшоҳ Жалолиддинни таъкиб этиш, тутиб келишга юборилган.

Чигатойнинг қишки ва ёзги ўрдаси бўлиб, ҳар иккиси ҳам Или водийсида (ҳозирги Хитойнинг Фулжа шахрига яқин, Или вилояти) эди. Мирзо Улуғбек шундай ёзади: “Айтадиларки, Чигато-йхон айшу ишрат ва овни жуда севган. Кўпинча вақтини ўша ишларга сарф этган...” (Мирзо Улуғбек. “Тўрт улус тарихи”. Т. 1994. 298-бет.)

Чингизхон вафотидан (1227 й.) сўнг Чига-той бирон марта жангларда қатнашмаган, Мовароуннахрга ҳам келмаган, улусни идора қилишни аввал Маҳмуд Ўловочга, кейин унинг ўғли Масъудбекка (1238-1289 й.лар) топи-риш билан қифояланган.

Шу ўринда ҳақиқи савол туғилади: қўш, Чига-той вафотидан буён етти юз эллик йилдан зиёд вақт ўтибдики, унинг номи нима учун ҳали-хануз

иборат энциклопедия уч тилда — немис, ин-глиз, француз тилларида бир вақтнинг ўзида босиб чиқарилиб, бутун Европада тарқалган. 1954 йилда энциклопедиянинг иккинчи нашри-га киришилган ва 2002 йилда охириги 11-жилд чоп этилган. Юқорида зикр этилган мақола ҳам шу тахлит дунёга тарқалиб кетган.

Энди Алишер Навоийнинг ўзига мурожаат этайлик. Шоир “Лисон ут-тайр” дostonининг “Бу китобда тахаллус тағйирининг узри” бобида:

“Шеър санъатин ки қилдим ибтидо,

Турк алфози била қилдим адо”, — дейди,

“чигатой тили билан ёздим”, демайди.

“Фарҳод ва Ширин” дostonидан:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,

Муайян турк улуси худ менингдур!

Эътибор беринг: шоир “Чигатой улуси” эмас, “Турк улуси” демоқда!

“Сабъаи сайёр” дostonидан:

Ўнгда туркиनावоз уруб дoston,

Кўзголиб ҳар навосида Туркистон...

“Сади Искандарий” дostonидан:

Муганний, келу черт туркона соз,

Мақоми “Наво”, йўқса “Туркий Хижоз”.

Навоийнинг ашъоридин неча байт,

Менинг ҳасби ҳолим топиб туркий айт!

Шуниқса эътиборга сазоворки, улуғ шоир ўз асарларида “Чигатой эли”, “Чигатой тили”,

“Чигатой адабиёти” деган ибораларни мутлақо қўлламайди. Она тилимиз масалаларига ба-ғишланган “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида

тилимизга нисбатан “Турк эли тили” атамаси-ни ишлатади, “Чигатой тили” иборасини эс-ламайди. Фақат бир жойда — “Мезон ул-ав-зон” рисоласи муқаддимасида: “Турк тили

билан қалам сурдум” сўзларидан кейин

“чигатой лафзи била рақам урдум” дейди.

“Наводир ун-нихон” девонида “чигатой” сўзи

шахс номи, “Фавойид ул-кибар” девонида эса

қавм номи сифатида тилга олинади. Бошқа ҳеч

қайси асарда бу сўз учрамайди, учраса ҳам

этник атама вазифасини бажаради, холос.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур Андижон шах-рини таърифлар экан: “Шаҳр ва бозорисида

туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи

қалам била росттур. Ана учунким, Мир Алишер

Навоийнинг мусаннафоти бовуждим Хирий-да

нашуъу намо топибтур, бу тил биладур”. Деб

ғувохлик беради (“Бобурнома”, Т., 2002. 34-

бет) ва бу билан Турон юртида (бу ерда Ан-дижондан Хироттаг) туркий тил адабий тил

эканини (таъкид бизники — М.А.) исботлай-ди, чигатой тили ҳақида эса, табиийки, бирон

сўз демайди.

Яна Алишер Навоий ҳақида “Бобурнома”да

айтилган сўзларга ҳам диққатни қаратайлик:

“Алишербек назир йўқ киши эрди. Туркий

тил била то шеър айтубдурлар, ҳеч ким онча

кўп ва ҳўб айтқон эмас” (Уша китоб. 132-бет.).

Бунда чигатой тили ҳақида имо-ишора ҳам

йўқ... Шундоқ экан, Алишер Навоий қандай

қилиб “чигатой” шоири бўлсин?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, марҳум устози-миз Пиримқул Қодиров “Адабий тилимизнинг

олтин кўприги” мақоласида худди шу мавзу —

чигатой тили, чигатой адабиёти ҳақида жуда

ўринли фикрларни ўртага ташлаб, жумладан,

шундай ёзган эди:

“Амир Темур 1370 йили Марказий Осиёда

давлат тепасига келгандан кейин Чигатой ав-лодлари

бу ҳудуддан қўвилган, Мовароуннахр яна

қадимий номи билан Турон ва Туркистон, деб

атала бошлаган эди. Чигатой исми энди

фақат туркийлашган бир мўғул уруғининг оти

ёки “Чигатойтепа”, “Чигатой қабристони” каби

ёки номлари сифатида сақланиб қолган эди.

Шунга қарамай, сунъий ясалган “чигатой тили”

тушуначисини Алишер Навоий ва Бобур Мирзо

тилига нисбатан ҳам татбиқ этиш, яна бу сох-та

атама тарихини ХХ асргача қўзиб келиш

илм-фанга эмас, фақат қарам қилинган халқ-

ларнинг юксак маданиятини камситишга хиз-мат

қиладиган ғайриилмий бир сиёсат эди.

Афсуски, айрим ўзбек олимлари тил тари-

хига оид китоблардан “чигатой тили” ибора-

сининг моҳиятига эътибор бермай келадилар.

Университетларнинг филология факултетла-ри

учун ўқув қўлланма сифатида 1994 йилда

нашр этилган китобда шундай сатрлар бор:

“Туркуносликда баъзан чигатой адабиёти

ва чигатой тили, чигатой туркийси атамал-

лари учрайди. Бу ўриндаги чигатой адабиёти

атамасини ўзбек мумтоз адабиёти, деб тушу-

моқ керак. Чигатой тили атамаси эса эски

ўзбек адабий тилинганга аналгатади”.

Бу маълумотни талабалар онига ўқув

қўлланма орқали етказиб бераётган тилшунос

олимларимиз бир лаҳза ўйлаб кўрмайдиларки,

Чигатой ўзи ким бўлгани, бутун бир ада-

бий тили, ҳатто Алишер Навоий давридаги

мумтоз адабиётни “Чигатой тили”, “Чигатой

адабиёти”, деб аташ керак?”

Атоқли адабимизнинг фикрларига тўла

қўшилган ҳолда, бир жихатни айтиб ўтиш ло-зим.

Адабиётшунос, тилшунос олимларимиз

орасида, гўёки “Чигатой тили”, “Чигатой ада-

биёти” сингари атамалар XIII асрдан бошлаб

мавжуд, деган қарашларни илгари сурувчилар

ҳам учраб туради. Бундай ёндашув асоссиз

даъволардан ўзга нарсаси эмас.

Тарихга назар солинса, мўғуллар босқини

туфайли ўлкамиз “Чигатой улуси”, деб атала

бошлангандан кейин мустамлака юрда ада-

биёт, илм-фан таназзулга юз тутди. XIII асрда

адабиётимизда кўзга кўринарли бирон бир

асар яратилмагани бунинг исботи.

Фарида АФРЎЗ

ЮЗИМ ЁРЎҒ БЎЛАР



Сен туғилдинг, дунё қудли,
Балогатинг ойдек тўлли,
Отанг, онанг қувонч тоғи
Ҳаловатдан яралгандир.

Қадр сенсан, асар сенсан,
Худойимдан хабар сенсан,
Кўзим очган, сўзим сочган
Қароматдан яралгандир.

БАҲОРДАН-ДА
БАҲОРРОҚ

Кўшингини айт, ёмғир,
Рақсга тушгин, япроқ.
Э, куз, бунча гўзалсан
Баҳордан-да баҳорроқ.

Беҳи қалқир анҳорда,
Анорзорлар вақти чоғ.
Эй дил, бунча яйрайсан
Баҳордан-да баҳорроқ.

Боғлар сокин онамдай,
Тунлар ойдан ойдинроқ.
Эй ишқ, бунча умидбахш —
Баҳордан-да баҳорроқ.

Елкадаги тоғлар йўқ,
Армон недир, не фироқ?
Эй жон, бунча, оромваш —
Баҳордан-да баҳорроқ.

Шароб тутар узумзор,
Хирмонларнинг кўкси тоғ.
Эй юрт, бунча кўркмасан —
Баҳордан-да баҳорроқ.

Кузак, сенсан сарҳисоб,
Бурчсан, шондан шарафтоқ.
Эй умр, сен яшаб қол
Баҳордан-да баҳорроқ.

ШОШМА, УМР

Шошма, умр...
Шошма вақт,
Ҳали сенда ҳаққим кўп,
Томирларим куйдирган
Кўшиқлар айтаман, ҳўб...

Шошма, қуёш,
Шошма, ой,
Ҳали сени кўчмадим,
Кокилларинг ториди
Арғимчоқлар учмадим...

Шошма, юрак,
Шошма, ишқ,
Кўксимга сизмаган қуш.
Парвозларим сарбаланд,
Ёрлик ғамлар, хайр-хўш!

Шошма, гумон,
Шошма, рашиқ,
Ҳали ёрим беҳабар.
Дилни дилга боғламоқ
Оташ билан баробар.

Шошма, дунё,
Шошма, бахт,
Ҳали сенга тўймадим.
Исмин ҳаёт қасрининг
Пештоқиға ўймадим!

СЎРЪАТ

Шошиб кетаяпти вақтдан ҳам умрим,
Халлослаб чопадил ортдан режалар.
Бир қўлла хатою бир қўлла омад,
Бири чала қолар, бири бажарар.

Шошиб кетаяпти, томирдаги қон,
Ортидан чопадил халлослаб юрак.
Нафасим сиймайди, кўкрагим — қафас,
Бир "оҳ", дейишимга қонинот керак.

Шошиб кетаяпти, номимдан шоним,
Чопмоқда қарздорлик халлослаб ортдан.
Бир кун ҳаммасига тенглашган чоғим,
Юзим ёрут бўлмай, шу ватан, юртдан!

МАҚОЛНАМО ШЕЪР

Яхши номинг ёмон қилган,
Дўстларингдан дўст чиқмас,
Етти ўлчаб бир бор кессанг,
Лахтагингдан кўст чиқмас.

Кеча-қундуз сенга ошно,
Бўлса агар бир хушхулқ ёр,
Эл оғзига элак тутар,
Ҳеч ноҳўя сўз чиқмас.

Қилган ишинг режали гар,
Босган изинг хайри қутлуг,
Қош қўзсан ва лек аммо,
Асло — асло қўз чиқмас.

Фурсат шошар, вақт ганимат,
Сўроқларга жавобинг бор,

Дилинг эзгуликка шайдир,
Ки, ноланг ҳам сўст чиқмас.

Фарид Афрўз, фикринг тузат,
Фикр дунёнинг меҳвари,
Айтарларинг мағиз тўғ гар,
Минг қақса ҳам пуч чиқмас.

Тўзон бўлиб тўзмасдан умр,
Уволига қолмасдан вақтининг,
Бухудига сотмай сафсата —
Нимадир қил, яйрасин кўнглинг!

Тошмасидан сабр дарёси,
Тўлқин каби кетмасдан кунинг,
Ўзининг бузмасдан бардош —
Нимадир қил, яйрасин кўнглинг!

Ёқсини йиртмасдан дунё,
Тўзмасдан умидинг — тўнинг,
Либос кийдир, юпун фикрингга —
Нимадир қил, яйрасин кўнглинг!

Хархашадан чиқар бошининг,
Ташвишлардан бўшасин кўлинг.
Юрагининг эмасин армон —
Нимадир қил, яйрасин кўнглинг!

Яна минг йил яшагинг келса,
Яна қайтсанг, шу бўлса йўлинг.
Ўлмай десанг, ўлмасдан аввал —
Нимадир қил, яйрасин кўнглинг!

Фарида АФРЎЗ 1956 йили туғилган. Муқимий номидаги Қўқон педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган. "Қирқ кокиллигим", "Кўзим маним", "Ушиқ", "Ушқун буғулар" сингари ўнга яқин шеърли тўпламлари муаллифи.

Ғайрат МАЖИД

МАНГУ БАҲОРЛАРИМ

Бебаҳо борлигим — Истиқлолимсан,
Боболар орзуси бахт-иқболимсан,
Нурли келажаким — истиқболимсан,
Озод яшамоққа қафолат — Қомус.

ТИЛАК

Эй қоши камоним, дилдор, саломат бўлинг,
Дилда сизга бахшида алёр, саломат бўлинг.

Бу дунёнинг армонун андуҳлари менгадир,
Сиз чекмангиз заррача озор, саломат бўлинг.

Англаганим севгининг савдолари ажабдир,
Менга керакмас бошқа бозор, саломат бўлинг.

Маним кўнглим осмондир, осмондайи меҳрим бор,
Ўзим фақат ўзимнинг беғир, саломат бўлинг.

Нечун гулу гулстон излаб ўтказай вақтин,
Қалбимдан кетмайдиган баҳор, саломат бўлинг.

Фақат Ҳаққа муносиб, жоним, ҳамлу санолар,
Юракларда ишқ бўлса, Ҳақ ёр, саломат бўлинг.

Мен ўзимча нелар деб сўзлашман, билмайман,
Асли ўзим саломат сиз бор, саломат бўлинг.

ГУЛ

Бу гулнинг кийриги ўқ,
Қошлари камон бўлмай,
Лоладек қонинг кўнгли —
Ўқута нишон бўлмай.

Ой каби нозлар айлаб,
Кўриниб бергай гаҳи,
Булутлар ортига гаҳ,
Беркиниб, ниҳон бўлмай.

Сочларин ёйса агар
Қоплагар оламин тун,
Йўлсиз гар қўлда қуммас,
Ул шамси жаҳон бўлмай.

Жилмайса лабларига
Кўшилиб қулгай кўзи,
Шодлиниб шодлигидан
Юрагим осмон бўлмай.

Бу нозу карашмалдан
Дил сенга омонлик йўқ,
Ажабким, нивалардан
Яна дил омон бўлмай.

Хувайдо айтган тўлдан,
Манам бир сўйлай десам,
Борлигим Чимён, Водил,
Фарғона томон бўлмай.

МЕН ВА СЕН

Кўнглим, ҳою ҳаваслардан кеч,
Кетмайсан-ку, йиғлаб саҳрога.
Йўқ, Мажнунга ўхшайман ҳеч,
Ўхшайман сен ҳам Лайлога.

Кўнглим, нурдан йўллар чароғон,
Шунчаки, оҳ-фарёд эмасан.
Сен ҳам Ширин эмасан, ишон,
Мен ҳам асли Фарҳод эмасан.

Кўнглим, қайда, сандиқ, йўқ, ахир,
Оқизмайди бўлса дарё ҳам.
Фарҳодларда яшайди Тоҳир,
Достонларда қолган Зухро ҳам.

Кўнглим, билсанг, бир пул гина-кек,
Токай бемор дилинг табиби.
Мен эмас-ку, ахир Отабек.
Эмассан-ку, сен, Қумушбини.

Кўнглим, яна дилларни ёқиб,
Муҳаббатдир дилда дурдона.
Ҳали ҳеч ким кўрмаган ўқиб,
Биз иккимиз — гўзал афсона.

МУҲАББАТ

Сенинг кўзларингнинг яхши кўраман,
Ошиқлар тилида сўйлайди улар.
Ойдин нигоҳингдан нусха кўчирган,
Чашма чашма каби тиниқ оҳулар.

Сенинг лабларингнинг яхши кўраман,
Юрагимга ҳади этмиш алвон доғ.
Шаксиз дудоғингдан нусха кўчирган,
Қирларни тўлдирган лолақизғалдоқ.

Сенинг қошларингнинг яхши кўраман,
Мисоли иккита қалдирғоч сайли.
Ҳеч бири янгимас... нусха кўчирган,
Камоним, қиличми, ҳилоли, майли...

Сенинг сочларингнинг яхши кўраман,
Сумбул-сумбул деган тағирлар сўнгсиз.
Тўғриси, зулфингдан нусха кўчирган,
Чайқалиб-чайқалиб оқувчи денгиз.

Сенинг ўзинангнинг яхши кўраман,
Юракка нур, ахир, бу ишқ — изтироб.
Фақат бу нусхамас, менга аталган,
Муҳаббат, Худога шукр беҳисоб.

СИНГИЛЛАРИМ

Дилимда тугамас ҳеч таманнолар,
Қани қуриб берсам нурдан бинолар,
Дилдан қўлларига қўйсам ҳинолар,
Худо, бекам айла сингилларимни.

Тун-зимистонларни менга бер, майли,
Дарду хижронларни менга бер, майли,
Ҳамма армонларни менга бер, майли,
Худо, бекам айла сингилларимни.

Улар бахтли бўлса мен ҳам бахтлиман,
Сулаймон кўрмаган олтин тахтлиман,
Ҳар қадами кўкка етар шахдлиман,
Худо, бекам айла сингилларимни.

Дунёда дўст бўлса дўстдир ўшалар,
Рост қўшиқ бор бўлса — ростдир ўшалар,
Муҳаббат, садоқат, қадр ўшалар,
Худо, бекам айла сингилларимни.

Фақат тўйлар қилсин, ғамлар кўрмасин,
Умри тўқис ўтсин, камлар кўрмасин,
Кўзи қулиб турсин, наmlар кўрмасин,
Худо, бекам айла сингилларимни.

Яхши акаликка ярамайман мен,
Лек, дунё нозига қарамайман мен,
Сендан бошқа нарса сўрамайман мен,
Худо, бекам айла сингилларимни.

Ғайрат МАЖИД 1976 йилда туғилган. ЎЗМУ нинг журналистика факультетини тамомлаган. "Ҳеч кимга ўхшайман", "Кўксимдаги юлдузлар", "Кўзларингнинг соғинаман", "Боболарим юрти" сингари шеърли тўпламлари чоп этилган.

КОМУС

Шубҳасиз, энг улғу насиба нон-туз,
Жонингга зиёлар бағишлайди сўз,
Манзилга элтиувчи бир йўлчи юлдуз —
Давлатинг тимсоли адолат — Қомус.

Қадим илдиларим — дилмидан айтар,
Мангу баҳорларим — гулмидан айтар,
Шул азиз, муқаддас, элимдан айтар,
Онага, Ватанга садоқат — Қомус.

Дарё кўрмай этик ечмагин асло,
Ёмонлар макрига учмагин асло.
Бу қутлуг сабоқдан кечмагин асло,
Ҳақин излаганга ҳақиқат — Қомус.

Баркамол авлодга гурур бергучи,
Тафаккур бергучи, шуур бергучи,
Саодат хабари — сурур бергучи,
Фақат эзгуликдан иборат — Қомус.

Бехосдан устани ўй босди. Асбобларни тутишга мослашиб кетган қафларини очди: чизиклар йўқолиб кетгандек теп-текис. Бармоқларида, тирноқларида қайси ранг эканлигини ажратиб бўлмайдиган аллаларлар кўринди. Мана шу қафда салкам олти йиллик умрини кўрди. Ўзича сарҳисоб қилди. Ўттиз йилдан бери "ман-сан"га бормаган турмуш ўртоғи ҳам жуда оқила аёл. Эрига суянчиқ. Умр бўйи мактабда ишлаган. Кўнглини оғритадиган, дард деса даргда ўхшайдиган нимадир бор: ўғиллари ота йўлидан бормади: "Дада, йиғиштиринг шу тактуқ, фар-ғурингизни. Бўлди, энди қарил гаштини суриг. Кимсан, фалончи-

қолишади. Бобосига қизиқиб устачиликни ўрганишади. Шаҳаринг болаларида — тили бийрон.

— Бобо, бобоо, — дейди бир кун беш ёшли невараси.

— Хо-оо-ов.

— Бир жойда ўтириб шунча ишлаб, зерикмайсизми?

— Йўқ, зерикмайман, устачилик — сабрли бўлиш дегани, болам. — Невара жавобни ҳам эшитмай, ёғоч "тойчоқ"ни миниб югуради.

Бир hafta ўтиб Тўрабой раҳмат айта-айта бешикни олиб кетди.

Бир кун ўғиллари келди. Хурсандчилик устига хурсандчилик.

ХИКОЯ

вингни бозорга жўнатгандим. Ўғли ҳам хархаша қилиб бирга кетди. Ўйда ёлғиз эдим. Болаларингиз йўқми? — деб сўради. Мен сизларни айтдим.

Ака-укаларнинг нигоҳи бир-бирига тўқнашди. Боядан бери жим ўтирган кичик ўғил гапга қўшилиди:

— Келиб-кетган ўша одам акамнинг қўл остида ишлайди. Бошлигимиз ота-

сини қаровсиз қолдирибди, ёлғиз ўзи устачилик қилармиш, деб жавраб юрибди. Шу ишингизни бас қилиб биз билан кетсангиз, бунча гиди-биди бўлмасди. Ховли муаммо бўлса, синглим билан кўвингизга қолдиринг. Ишингизни ҳам ўзи давом этти-

рин, деганларидай невараларини эр-калаб, уларни бағрига босишни хоҳлайди. Қизининг ўғли-чи, дерсиз? Ўғилники ўғилники-да! Чол бир ўйлаб олишга қарор қилди...

Эрта куз. Яна салқин кунлар бошланди. Булутли, ёмғирли ҳаволар. Ҳазонрезги. Ўшанда болалар юзидан ўтолмаган уста мана уч кундирки шифонада ётибди. Ўзини койиди. Қари-ганда шарманда бўлмай ўла-мана, ётибсан, деб ичيني ейди. Кўкси ёрилиб кетай дейди. Лекин, минг шукрки, болалари ақили, келинлари ҳам хотинига ўхшаб меҳрибон, оқил, қайнона билан мингир-мингир қилгани йўқ. Кампир ҳам кунда-шунда ёнида, ёлғиз қўймайди... Шўям кийналиб кетди. Чоли бирён болалар бир ён. Ҳа, ўла, қариганда шунча эзма бўлиб қолдингми, дейдиган одам йўқ. Уста кўп ўйлайди: қандай яшадим? Узоқ ўй сўради. Бешиқ ясаганидан кўкси кўтарилди. Шукр қилади. Лекин, барибир қулоқлари ўша "так-туқ"ни соғинганда йўқ, унда ҳеч қандай касаллик йўқ. Шунчаки, беқорчиликка қўнқоламан...

Дори-дармоннинг фойдаси йўқ. Охири чора: хотини билан қишлоққа қайтиш! Устачилик қилиш... Эсидан чиқиб кетмаганимми?... Ўғиллари-чи? Улар рози бўлишармики?

Орадан яна уч кун ўтди. Шифокорлар, бошини сарак-сарак қилишдан нариги ўтмас, қандайдир қаттиқ сиқилиш борми-ей, яна бир болалар дейдими-ей, оқибатда: ахвол шундай бўлса, юрак хуружи билан яқун топи-

раверсин. Энди фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, невараларингизнинг ёнида бўлинг, деймиз-да, ота.

Отанинг юраги зирқиллади. — Болаларим, кўйинг одамларнинг гапини, улар оғзига келганини айтди-да. Мен хўп десам ҳам онанг кўнмайди...

У шундай дейди-ю, ўғиллари билан бирга яшашни ўзи ҳам жуда хоҳлаётганини ич-ичидан сезиб турарди. Уларнинг гапида ҳам жон бор. Тунов кун чойхонада бир гап юрагига ёмон тегувди:

— Уста, ўғилларингизни уйли-жойли қилиб ўзингиз сўппайиб қолибсиз-да, а? — дейишди мўйсафидлар.

Кампир эса... ҳар кун эски ғийбатнинг янги-янги кўринишини эшитди. Ундан ташқари, данагидан мағиз ши-

рини қатъий таъкидлади. Яхши-си, оталарингизни қишлоққа қайтаринглар, дейишди.

Эртаси тушга яқин қишлоқдаги барча устачиликка тегишли нарсалар, асбоб-ускуналар юк машинасида олиб келиниб, катта ҳовлининг бир томонидан жой ажратилиб жойлаштирилди. Устанинг яна "эрмаг"и учун шароит ҳозирланди.

Кечга яқин кичик ўғли дадаси ва онасини машинада олиб келиб, дарвоза ёнида қолдириб, дарров қайтиб келишини айтиб, ўзи кетди. Ота маъус нигоҳлар билан ўзлари учун ажратилган уйга кирдилар. Уста останада қаққайиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, невараси ўзи ясаб берган "той" билан уйнаб ўтирибди:

— Болам, бари сенга ким берди? — Бобо, бобо, аям бобонга сўрпизимиз борлигини айтма, дегандилар...

Уста дарров ошхонада ўтиди. Ошхонанинг ўртасида ҳам ўзи ясаган хон-тахта турарди. Ховлига чиқди. Боя эътибор бермаган экан... Ошхонага қайтиб кирди. Катта келини:


— Дадажон, ўғлингиз ўзим борсам айтман дегандилар.

Уста ҳажжонланиб гапирди: — Қизим, мени анави қиммат-қиммат дориларинг эмас, халқнинг дуо-си даволайди, асрайди.

Келинининг пешонасидан ўпаркан: — Мен бешиқ ясашим керак, — дея ишга ўшғириди.

Ким учун бешиқ ясамоқчилигини биров-да, билмади... Келин уялиб ошхона томонга йўналди...

Нафиса ТОШТЕМИРОВА 1991 йили Навоий вилоятида туғилган. Навоий давлат педагогика институтини битирган. "Юрт келажаси — 2014" танлови галиби. Ёш ижодкорларнинг "VI — Истеъдод мактаби" республика семинари иштирокчиси.



Нафиса ТОШТЕМИРОВА

УСТА ВА БЕШИК

нинг дадаси уста деса, мен нима дейман", дейишади. Отанинг жаҳли чиқса ҳам, ўзини тияди: "Қариганда эрмак ҳам керак-да", — деб қўя қолади. Хозир ҳам шуларни ўйлайди. "Қаридимми, нима бало?" деди-да, желлагининг барини қоқиб ишга шўнғиди...

Уста икки ўғлини ўқимишли қилди, қизини эса ўн саккизга қирав кирмас совчилар қистагани учун узатди. Нолмайди. Қудалари яхши одамлар. Бир фалокат юз берди-ю, кўвининг бошқа ишлардан кўнгли совида. Қай-нотасининг қанотига кириб устачиликни ўрганди. Ўғилларини ҳам уйлантирди. Улар ҳозир бошқа шаҳарда яша-шади. Қизининг ўртанча ўғлини ота-онасига ўғил қилиб олди.

Мана ёзги таътил ҳам бошланди. Ҳадемай шаҳарлик неваралари келиб

Барибир дийдор яхши-да. Кечга ўчоқда ош дамланди. Ўзи ясаган чорпоёга жой солдирди. Алламаҳал-гача суҳбатлашиб ўтиришди. Тўнгич ўғли шундай деди:

— Дада, яқин-орада сизга биронта одам бешиқ ясаттирдими?

— Ясатди. Ўтган haftaда Тўрабой-га ясаб бергандим. Невар... — отанинг гапи оғзига қолди.

— Ундан бошқа-чи?

— Тинчликми, ўғлим?

— Ҳами, йўқми, дада? — деди ўғли жаҳл аралаш.

— Ҳа, ҳа, бир ёшроқ одам келган-ди. У буюртма берди, лекин олиб кетмади...

— Сиздан нималарни сўради? — шошиб гапирди ўғли.

— Онанг синглингида эди. Кўё-

нинг дадаси уста деса, мен нима дейман", дейишади. Отанинг жаҳли чиқса ҳам, ўзини тияди: "Қариганда эрмак ҳам керак-да", — деб қўя қолади. Хозир ҳам шуларни ўйлайди. "Қаридимми, нима бало?" деди-да, желлагининг барини қоқиб ишга шўнғиди...

Уста икки ўғлини ўқимишли қилди, қизини эса ўн саккизга қирав кирмас совчилар қистагани учун узатди. Нолмайди. Қудалари яхши одамлар. Бир фалокат юз берди-ю, кўвининг бошқа ишлардан кўнгли совида. Қай-нотасининг қанотига кириб устачиликни ўрганди. Ўғилларини ҳам уйлантирди. Улар ҳозир бошқа шаҳарда яша-шади. Қизининг ўртанча ўғлини ота-онасига ўғил қилиб олди.

Мана ёзги таътил ҳам бошланди. Ҳадемай шаҳарлик неваралари келиб

Барибир дийдор яхши-да. Кечга ўчоқда ош дамланди. Ўзи ясаган чорпоёга жой солдирди. Алламаҳал-гача суҳбатлашиб ўтиришди. Тўнгич ўғли шундай деди:

— Дада, яқин-орада сизга биронта одам бешиқ ясаттирдими?

— Ясатди. Ўтган haftaда Тўрабой-га ясаб бергандим. Невар... — отанинг гапи оғзига қолди.

— Ундан бошқа-чи?

— Тинчликми, ўғлим?

— Ҳами, йўқми, дада? — деди ўғли жаҳл аралаш.

Таниқли навоийшунос Ёкубжон Исоқов нафақат Алишер Навоий ижодига, шунингдек, адабиёт тарихчиси ва манбашунос сифатида кўп асрлик мумтоз адабиётимиз тарихининг чигал масалаларига оид қатор мақолалар муаллифи ҳамдир. Олимнинг адабий манбаларга ёндашуви, илмий муаммони шакллантириш тажрибаси, тадқиқот услубини ўрганиш бугунги кунда адабиётшуносликка кириб келаётган ёш тадқиқотчилар учун алоҳида сабоқ бўлади, деб умид қиламиз.

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йиллари мумтоз шоир Паҳлавон Маҳмуд рубойилари форс тилидан таржима қилиниб, таржимаи ҳолига тааллуқли айрим маълумотлар билан тўлдирилиб нашр этилганди. Мавзунинг атрофлини ўрганишда Ё.Исоқов салафлари ишларининг ижобий томонларини эътироф этиб, айни пайтда, уларга танқидий ёндашди. Шоир ҳақида маълумот берувчи кўлэзма манбаларни синчиклаб қиёслаган олим айрим зиддиятли фикрларнинг юзага келиш сабабларини кўрсатиб ёзди: "Мазкур манбаларнинг қиммати масаласига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг деярли барчаси та-

бор қаратиб, адабий меросга ижодкор яшаган даври билан алоқдорлигидан келиб чиқиб ёндашди. Бугунги кунда адабий манбага тарихийлик принциплари асосидаги ёндашув (биргина "Девони ҳикмат" теварағидаги фикр-мулоҳазаларни эсланг) негацир четда қолиб, таъриф-таъсиф услуби қўлдан қўйиб, айнан шу сабаблар билан Ё.Исоқовнинг бу йўналишдаги мақолаларини ўқиб ўрганиш фойдадан холи эмас. Олимнинг "Гул ва Наврўз" достонининг муаллифи номли мақоласи кўп йиллар Мавлоно Лутфийга нисбат бериб келинаётган асарнинг манбашунослик йўналишдаги теран таҳлили намунаси-

келиш сабабларини тўғри ҳал этган олим олдида иккинчи бир масала — асарнинг муаллифи ким, деган мантқиқий савол пайдо бўлади. Шарқ поэтикаси қонун-қоидаларидан пухта ҳабардор олим диққатини асар матнига ва унинг услубига қаратади: "Ваҳоланки, у ёки бу асарнинг муаллифини аниқлашда (айниқса, муаллиф нусхаси етиб келмаган бўлса — **А.Э.**) тадқиқотчи учун мавжуд асарнинг услуб хусусиятлари, унинг таркибидан учрайдиган ва маълумот беришга лойиқ деталлар, шу асарга дахли бор шоир ё ёзувчи ҳақида унинг замонадошлари асарларида ёхуд бошқа тарихий-адабий манба-

Тазкирада Навоий Султон Искандар ҳақида сўзлаб, унинг саройидаги туркиуйи шоирлардан бири хусусида маълумот бериб, ижодида бир байт намуна келтиради: "Мавлоно Хайдар туркиуйи анинг модихи экандур". Келтирилган байт Мавлоно Хайдар Хоразмийнинг "Маҳзан ул-асрор"идан (Низомий Ганжавий асари таржимаси) олинган бўлиб, ҳар икки асар темурийзода Султон Искандарга бағишланган. Ё.Исоқов "Гул ва Наврўз" ва "Маҳзан ул-асрор"ни синчиклаб қиёслаб услуб жиҳатдан бир неча

Умр ибрати

муштарак ўринларни аниқлайди. Бу ҳол дoston ёзилиш сабаблари ҳамда муаллифининг китобхонага мурожаати баён этилган бобларда аққол кўзга ташланади. Олим Мухиб ва Хайдар Хоразмий бир шахс эканлигини рад этиб бўлмас далиллар билан исботлайди: "Мухиб" Хайдар Хораз-

чилик мактаблари каби масалалар таҳлилига бағишланган "Баёз ва баёзчилик тарихи" рисоласида олим баёзига фақат ўзбек адабиёти доирасида ўрганмайди, балки камровни кенг олиб, дастлаб араб адабиётида юзага келганга диққатни қаратади. Айрим илмий адабиётларда баёз антология, деб ҳам аталган. Ё.Исоқов эса бу икки тушунчанинг фарқли жиҳатларини аниқ кўрсатиб ўтади: "Баёз ва антология ўртасидаги тафовут уларнинг композициясида аққол кўзга ташланади: антологияда шоирлар муайян хронологик тартибда берилган ва бир шоир ҳеч қачон иккинчи марта такрорланмайди. Баёзларда эса шоирнинг шеърлари бир неча ўринда берилиши мумкин. Бинобарин, баёз ва антология моҳият нуктаи назаридан бир-бирдан катта фарқ қилади". Манбашунос олим баёзлар тасолифдан пайдо бўлмаслиги, улар адабий муҳитнинг ҳосиласи ва унда даврнинг эстетик қарашлари акс этишини таъкидлайди.

Олим Тошкент, Санкт-Петербург, Душанбе шаҳарларидаги кўлэзма фондларида изланиб, юзлаб кўлэзмаларни кўздан кечириб, ўзбек адабиётига алоқадор адабий манбалар рўйхатини тузди.

Фарғона, Тошкент, Бухоро, Хоразм баёзчилик мактаблари қай тарзда юзага келгани, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқ далиллар асосида кўрсатиб берди. Олимнинг мазкур рисоласи тугал тадқиқот сифатида адабиёт тарихи, адабий жараён ва ижодкорнинг ушбу жараёнда тугган мавқеини белгилашда, адабий таъсир қонунчилигини ёритишда муҳим аҳамиятига эга. Биринчи манбаларга асосланган эса унинг илмий қимматини оширади.

Атоқли адабиётшунос Ё.Исоқовнинг ифодада илмий академизмга қатъи амал қилиши, фактларга нисбатан ҳолис ва танқидий муносабати, кенг мушоҳадаси, талқинда мантқиқий изчилликка риоя этиши ёш тадқиқотчилар учун ўзига хос мактаб, десақ янглишмаймиз. Унинг учта йирик монографияси (кейинги пайтларда урф бўлган турли хил мақолалар тўпламлари эмас), бир юз элликтанча илмий мақолалари фикримизнинг далилидир. Зеро, устознинг илмий изланишлари академизмдан сабоқ беради, тадқиқотнинг ўзига хос маданияти сари етаклайди.

Абдурасул ЭШОНБОБОВЕВ,
ЎЗР ФА Тил ва адабиёт
институтини илмий ходими

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

"ЁЗАЁТИБ АЛДАМАНГ..."

Тарихчи олим билан шоир ўз асарларини бири вазнсиз, иккинчиси вазнга солиб ёзиши туфайлигина бир-бирдан фарқланмайди. Агар Геродотнинг асарлари шеърини вазнга солиб ёзиб чиқилса ҳам барибир тарихий асарлигича қолади.

АРАСТУ

Агар Луцийлий бизнинг давримизда яшаганда эди, ўзининг шеърини тўпламларини қайта кўриб чиққан ва улардаги аксарият шеърлардан воз кечган бўларди...

Истеъдодли шоир оломонни қўйил қилиш учун уринмагани маъқул.

ГОРАЦИЙ

Буюк адиблар, алломалар, шоирларнинг асарлари фақат чиройли сўзлари, тилининг жозибалилиги билангина эмас, балки мардона руҳи билан гўзал ва қимматлидир. Улуғ адиблар асарларидаги маъноларни бир ўқишда илғаб олиш мушкул, бунинг учун уларнинг ижодини чуқур ўрганиш лозим бўлади.

СЕНЕКА

Тафаккур ва тасаввур меваси бўлган адабиёт горлардан осмон-ўлар биноларга қадар, сўйилган оммавий қирғин қуролига қадар, қабиливий ҳаётдан глобаллашув даврига қадар инсониятга муаллимлик қилди, уни гафлат уйқусига кетишдан, қирғин ва ҳалокатлардан сақлади... Зотан, адабиёт бизга реал ҳаёт бера олмайди-дан қизгин саргузаштлар, оташин туйғуларни тўхфа этади... Демак, биз орзу қилиш, ўқиш, ёзишдан бир сония ҳам тасовмаслигимиз керак. Зеро, фойини боқийга айлантирувчи, аср вақт устидан ҳукм юритишга имкон берувчи энг самарали йўл — шу!

Марио Варгас ЛОСА

Шу нарса аёнки, агар роман кўнгилни овласа ўқувчига манзур бўлади. Бир пайтлар: агар роман кўпчиликка манзур бўлса, бу яхши асар эмас; ўқувчилар олқишини олган романда ҳеч қандай янгилик бўлмайди, чунки бундай асар ўқувчига у кутангдан ва ис-таётган нарсани беради, дейишган. Менинча эса, агар роман ўқувчига қутилган ниманидир бераётган экан, демек, унга маъқул; агар роман ўқувчига манзур экан, демек, у қутилган асардир.

Умберт ЭКО

Ҳеч нарса тил каби инсонга ўзини англашида катта ёрдам бера олмайди. Модомки мен ўзимга нисбатан аниқлиқни англаш эканман, демек, бу менинг ўз тилимда яхши ёза билишимдан далолатдир. Мен фойдаланадиган сўзлар мени адаштирмайди, мен шу сўзларни ёзаётим ҳеч қимми алдамаётганимни яхши биламан.

Иосиф БРОДСКИЙ

Адабиётни бизнинг ички ҳис-туйғуларимизнинг амалга оши-шга бўлган эҳтиёжimiz пайдо қилади. Китоб жамиятга таъсир кўрсатадими, йўқми — бу бошқа масала, бу саволнинг жавоби унинг муаллифига мутлақо боғлиқ эмас.

Гао СИНЦЗЯН

Инсон кўлидаги турли-туман қурол-яроқ, асбоб-ускуналар орасида энг гаройиб, шубҳасиз, китоб саналади. Қолганларини унинг ҳисмоний давоми, дейиш мумкин. Микроскоп ва телескоп — кўзнинг давоми, телефон — овознинг, омон ва қилич — қўлнинг. Бироқ китоб — бутунлай бошқа нарса, китоблар — хотиралар ва тасаввурларнинг давомидир.

Шоунинг "Цезар ва Клеопатра"сида Александрия кутубхонаси ҳақида сўз боради ва уни инсоният хотираси жамланган қосона, дейишади. Дарҳақиқат, китоб одамзотнинг хотираси хазинасидир.

Хорхе Луис БОРХЕС

ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИБ

нкидий муносабатда бўлишни тақозо этади. Хусусан, рубойларнинг макбарага битилиши кейинги асрларда амалга оширилган бўлиб, уларнинг манбаи биз учун номалумдир". У "Паҳлавон Маҳмуд рубойилари" номи остида сақланаётган ўнлаб кўлэзмаларни кўздан кечириб, улар XIX асрда кўчирилганга диққатни қаратди ва таркибига бошқа шоирларнинг форсий рубойилари кириб қолганини аниқлади.

Бундан ташқари, рубойиларни таҳлил этиб, шоир ўша даврда Хуросонда кенг тарқалган мафкуравий оқимлардан бири жавонмардлик йўналишига мансублигини далиллар билан исботлаб кўрсатди ва ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб жавонмардликнинг ихчам тавсифини берди: "Хунармандлар гуруҳининг илғор қарашлари ва интилишларини ифодалаган бу йўналиш ўша даврдаги илғор кўчларнинг маълум қисми учун маънавий замин бўлган". Ҳолбуки, рубойиларни нашр этган тадқиқотчилар шоир шеърларининг жанрий хусусиятидан келиб чиқиб, уни "Хоразм Хайёми", деб таърифлашган эди. Ё.Исоқов эса муаллиф нусхаси бизгача етиб келмаган асарнинг атрибуцияси (ишончлилик даражаси)га эъти-

дир. Қизиги шундаки, достонни Лутфий ёзганлиги хусусида бирор-бир тарихий ёхуд адабий манбада, жумладан, шоирни кўрган ва билган Навоий асарларида ҳам маълумот мавжуд эмас. Бироқ шунга қарамай, достон Мавлоно Лутфий асари сифатида эътироф этиб келинди.

Бизни бу масалада Ё.Исоқовнинг муаммога ёндашув услуби қизиқтиради. Олим, аввало, мавзуга алоқадор манбаларни синчиклаб ўрганиб, асарни Лутфийга нисбат бериш "Абушқа" лугати (XVI аср) бориб тақалишини аниқлади: "Дарвоқе, "Абушқа"да бир шоирнинг байтини бошқасига нисбат бериш ҳоллари анчагина учрайди. "Гул ва Наврўз"дан олинган байтларнинг Лутфий асари сифатида талқин этилиши ҳам шундай ҳатолардан биридир. Бу хатонинг юзага келиши икки ҳолатдан бири билан боғланган бўлиши мумкин: ё "Абушқа" автори ўзи фойдаланган форсий лугатдаги мавжуд хатони такрорлаган (масалан, Хайдар Хоразмий байтининг Навоийга нисбат берилиши каби) ёки "Гул ва Наврўз"нинг Лутфий девони билан бирга муқоваланган нусхасидан фойдаланган". Эслабй ўтамиз, асар матнида ҳам Лутфий таҳаллуси учрамайди. Хатонинг юзага

ларда учрайдиган муҳим маълумотлар мажмуаси асосий мезон бўлиши лозим. "Гул ва Наврўз" услубидаги баъзи хусусиятлар (лексика, вазн ва қофия каби-лар)нинг ўзиёқ китобхонада бу асарнинг Лутфий қалами остидан чиққанлигига шубҳа тудиради". Олим достон матнини синчиклаб кўзатиб муаллифининг таҳаллусини аниқлашга муваффақ бўлди:

Таваққуъ улдур асҳоби хунардин, Ки чун файз олсалар бу мухтасардин Сониғайлар Мухибни бенавони Дуо бирла сенивдургайлар они.

"Бу байтдаги Мухиб шоирнинг таҳаллуси бўлиб, мазкур сўзнинг лугавий маъноси бу ерда ўринсиздир. Умумий контекст ва байтнинг маъноси ҳам мазкур сўзнинг истилоҳий функцияси тақозо этади: яъни у билдим, хунардан эгалари мазкур асарни ўқиб, файз олсалар; бенаво Мухибни ҳам эса олиб, дуо билан руҳини шод этишларини илтимос қилади".

Хуллас, навбатдаги масала асар муаллифи ва достон бағишланган Султон Искандар билан муносабатларни ойдинлаштириш бўлиб, олим бунда Алишер Навоийнинг "Маҳолис ун-нафоис" тазкирасига мурожаат қилади.

ийнинг адабий таҳаллуси ёхуд таҳаллусларидан бири деган ҳулосага келиш учун асос бўладиган далиллардан бири "Маҳзан ул-асрор"нинг "Сўз боши", деган қисмида учрайди:

...Дард керак жондаки кўргай сафо, Меъда керак, токи синиургай бало. Сунга балиқ, ўтқа самандар керак, Фава Мухиб, дардга Хайдар керак.

Бизнингча, шоир Мухиб ва Хайдар сўзларида иттифоқ санъатини ишлатган. Яъни, у таҳаллус ва исм бўлиб келган сўзларнинг ҳам лугавий, ҳам истилоҳий маъносидан барабар фойдаланган. Демак, ҳар икки асарнинг муаллифи Хайдар Хоразмий бўлиб, илгари сурилган мулоҳаза ўзининг мантқиқий исботини топган.

Мақолага бир оз кенгрок тўхталганимизнинг сабаби олимнинг муаммога ёндашув услубини кўрсатиш эди. Устоз илмий ҳақиқатни топиш йўлида изчил изланади. Унинг мақола-ларини ўқиш давомида ўқувчи беихтиёр ана шу мураккаб изланиш жараёнининг бевосита иштирокчисига айланади ҳамда тадқиқотчининг далиллаш маҳоратидан завқ олади.

Баёзнинг пайдо бўлиши, унинг адабий жараёндаги ўрни, баёз-

Журналларни варақлаганда "ШАРҚ ЮЛДУЗИ"

2014 йил, 5-сон



Журналнинг ушбу сониде босилган насрий асарлар қаторида Алишер Мирзонинг "Қаллахоналик йиғитча" роман-эссесининг якуний қисмини, Отаулнинг "Афанди яшасин!" романидан боблар, Жуманазар Бекназарнинг "Қашқа йўрға" номли қиссаси ва ёш ижодкорларнинг ҳикояларини ўқисиз.

Таниқли шоирларимиздан Гулчехра Жўраева, Ўткир Раҳмат ва Жаҳонгир Исмомовнинг янги туркумлари, Икром Отамуроднинг "Доғ" номли достони ҳамда шеърятимизнинг навқирон авлоди вақилларидан Сирожиуддин Рауф, Мунаввара, Болтабой Бегматов, Ҳилола Исмаилова, Умид Али шеърлари назм ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилган. Шунингдек, атоқли қорақалпоқ шоири Ажиниёз меросидан намуналар (Рустам Сулмон таржимаси), Фармон Тошевнинг бир туркум ғазали, Ҳабибулла Саид Фани, Ҳамза Имонбердиев ижодидаан айрим шеърлар, "Мушоира", "Булоқ кўз очди" руҳларида ёш шоирларнинг асарлари ҳам шеърини сақлаётган жой билан.

Санъат ва ҳаёт фалсафасига қизиқадиган муштарийлар гарблик мутафаккирлардан Гегелнинг "Эстетика" ва А.Шопенгауэрнинг "Ҳаёт сабоқлари" асарлари давомини журналнинг ушбу сониде ўқийдилар.

Бир неча сондан бери эълон қилиб келинаётган "Муаллиф ўлими" га сиз ҳам овоз берасизми?" мавзусидаги баҳон адабиётшунос олимлар Иброҳим Ғафуров, Йўлдош Солижонов ва Курдош Қахрамонов давом эттиришган. Имом Ғаззолийнинг "Кимйи саодат туркий" асари-дан М.Маҳмуд таржимасида берилган айрим фасллар, олмон адиби А.Курелланнинг "Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши", У.Норматовнинг "Заҳматқаш олимнинг ша-рафли йўли", З.Шукурова ва Д.Юсуповнинг ўзбек мумтоз адиблари ижодида оид илмий тадқиқотлар, Л.Мансуровнинг "Қавардон мафтун"и сарлавҳали ёдномаси, Э.Мурсумовнинг хитойлик таниқли адиб Мо Ян ижодида доир мақоласи ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.

Истиқлол йиллари ўзбек адабиёти илмида бадий ижоднинг сирли-сеҳрли жараёнларини, санъаткор шахсияти, адабий жараён психологияси, маҳорат масалаларини таҳлил ва тадқиқ этишга эътибор кучайди. Адабий жараён психологияси билан бадий асар фалсафасини санъаткор шахсияти, ижодий методи билан уйғунлиқда ўрганиш мустақил йўналиш сифатида қарор топди. Мазкур тадқиқотчилик маданиятининг шаклланиши ва ривож топишида атоқли адабиётшунос, профессор Нўмон Раҳимжоновнинг файзли ўрни, хизматлари салмоқлидир.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Яланғоч Ота қишлоғида бобгон оиласида туғилиб ўсган Нўмонжон болалигидан ота касбини пухта эгаллади. Отаси Каримжон бува дарахтлар билан диллашадиган миришкор соҳибкор эди, усто-зи, машхур бобгон Ризамат Мусамухамедов билан ҳамнафасликда Бўстонлик, Қибрай туманларида яратган бог-роғларидан ҳали-хануз одамлар баҳраманд. Бугунги кунда Нўмонжонни рамзий маънода адабиётимизнинг меҳрибон бобго-нига қиёб қилсак бўлади. Айниқса, ёш шоирлар, адабиётшунослар кўп йиллардан бери унинг меҳр чашмасидан баҳра олиб, камолот доvonларига кўтарилаётгани ҳаммамизни қувонтиради. Унинг уч юздан эиёд мақола, ўн бешдан ортқ монография ҳамда рисоалари ҳозирги адабий жараён, XX аср ўзбек шеърятини жанрлари тарихи ва назарияси, бадий маҳорат муаммоларига бағишланган. "Давр ва ўзбек лирикаси", "Ўзбек поэма-сининг ривожланиш хусусиятлари", "Асқад Мухтор поэтикаси", "Мустақиллик даври ўзбек шеърятини", "Истиқлол ва бугунги адабиёт" номли монографиялари, "Шеър сеҳри", "Фалсафий лирика", "Ил-мий тафаккур жиҳолари" рисоалари, "Бадий асар биографияси" ўқув қўллан-маси, "Нур боқийликдир" китоблари нашр этилган. Шунингдек, бадий тар-

жиманинг илмий ҳамда амалий масала-лари ҳам Н.Раҳимжонов изланишларида алоҳида йўналишни ташкил қилади. Ўзбек шеърятитидаги эпик жанрлар, ху-сусан, достонларни ўрганишга салмоқ-ли ҳисса қўшган олимнинг фундаментал тадқиқотлари, жумладан, "Ўзбек поэма-сининг ривожланиш ху-сусиятлари" монографияси адабиётшунослигимиз раvнақига хизмат қилаё-тир.

Н.Раҳимжоновнинг янги тадқиқотлари-дан бири Асқад Мухтор ижодининг сўнгги босқичларини ўрганишга бағишланди. Мунаққид ҳассос шоиримиз шеърлари-ни таҳлил қиларкан, унинг асарларида етакчи ўринга эга вақт ва умр моҳияти, тириклик ва мангулик, ҳақиқат ва гўзал-лик, риё ва тубанлик каби инсониятни азалдан тўлқинлантириб келаётган баша-рий муаммоларга эътиборни тортади. Атоқли сўз санъаткори ижодини у "Асқад Мухтор поэтикаси" (2003) китобида-гина эмас, аввалроқ нашр этилган "Давр ва ўзбек лирикаси" асарида ҳам кенг таҳ-лил этганди. Ҳар икки ишдаги кузатиш-ларни солиштириш танқидчининг адиб шахси ва ижодида қарашлари изчил ри-вожланиб бorganини кўрсатади.

Олим устозлардан ўрганди, улар билан ҳамкорлик қилди, улар яратган тад-

қиқотларни таҳлил этди. "Бадий асар биографияси" китобида ўзбек адабиёт-шунослигида биринчилардан бўлиб, санъаткор ижоди ва маҳоратига доир долзарб масалалар И.Султон бадияти мисолида ўрганилди. Бу тадқиқот янги-ча йўналишда ёзилганлиги билан диққат-ни тортади. Шу кўнғача адабиётшуно-слиқда "ёзувчи биографияси", деб атал-ган истилоҳ кенг қўлланилар ва у адиб-нинг таржimai ҳоли ҳақида маълумот бе-рар эди. Н.Раҳимжонов тадқиқоти эса бе-восита бадий асарнинг таржimai ҳоли-га бағишланган. Айни шу жиҳат унинг ил-мий янгилиги ва назарий аҳамиятини белгилайди.

Китобни ўқиганда бундай йўналишда-ги тадқиқотларда ижодкор лаборато-риясига кириш, унинг ижод жараёни би-лан чуқур танишиш, асар госянининг ту-ғилиши, яратилиши, нашр эт-тирилиши тарихи билан ба-тафсил танишиш имконияти-га эга бўласиз.

Бундай йўналишдаги асарларнинг аҳамиятли жиҳатлари кўп: биринчидан, китобхон мазкур илмий-танқидий асар-ни зерикмай, қизиқиб ўқийди; иккинчи-дан, йирик олим шахси, ижоди, у яша-ган давр, муҳит билан янада яқиндан та-нишади; учинчидан, ижод онлари, ҳар бир асарнинг туғилиши, дунё юзини қўриши мураккаб жараён эканлигини ан-глаб етади; тўртинчидан, китоб муалли-фи шахси билан ҳам яқиндан танишади.

Н.Раҳимжоновнинг "Мустақиллик даври шеърятини" китобида жамланган тадқиқот-мақолалар бугунги адабиёти-миздаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида ёрқин тасаввур беради. Унда Зулфия, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Икром Отамурод, Фарида Афрўз, Азим Сюен, Саъдулла Ҳаким ва бошқа ўнлаб шоир-лар ижодидаги бадий образлар теран

тадқиқ этилган. "Истиқлол ва бугунги адабиёт" китоби эса адабий жараён му-аммоларига, бадий-эстетик, танқидий тафаккур тамойилларини ёритишга ба-ғишланган. Унда Мустақиллик даври ада-биёти, хусусан, шеърятига, адабий-эс-тетик тафаккур тақомилига хос манза-раларнинг ҳолис таҳлил қилинганлиги кўрамин. Муаллиф шеър, адабий асар феномени, бадий-эстетик тафаккур ҳақида тўлқинланиб, эҳтирос билан фикр юритади, авлодлар силсиласини, бугун-ги адабиёт аввалги ёрқин ижодий аъна-наларнинг давоми эканини асло унутмай-ди. Шу маънода у янги китобида улуг адибларимиз Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир ижоди ҳақидаги ку-затишларини Истиқлол даври адабиёти билан бевосита боғлай олганини, ҳолис, тўғри ёритганини ижобий баҳолаш ло-зим. Мазкур китобдан жой олган заҳмат-каш адиблар Шухрат, Иброҳим Ғафуров, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Сафар Барноев, Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида доир лаҳзалар ҳам мароқ билан ўқилади.

"Истиқлол ва бугунги адабиёт" кито-би Ўзбекистон Республикаси Мустақил-лигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтқа-зилган "Энг улуг, энг азиз" қўрик-танло-вида муносиб тақдирланди. Илмий-на-зарий фикрларни бадий-эстетик тафак-кур билан чамбарчас боғлаш, раvон ифо-далаш Н.Раҳимжонов ижодий индивиду-аллигининг етакчи хусусиятидир.

Нўмон Раҳимжонов таржimai сифа-тида ҳам самарали фаолият юритиб ке-лаётир. Нигериялик ёзувчиси К.Эквенси-нинг "Шаҳар одамлари" романи, рус ёзувчиси Анатолий Алексиннинг қисса-лари, В.М.Жирмунскийнинг "Алпомиш ҳақида эпик достон" сингари илмий асар-лар Н.Раҳимжонов таржimaiсида ўзбек тилида чоп этилди. Бугунги кунда ҳам фаол, конюкур, самимий инсон ва олим сифатида Нўмон Раҳимжонов адабиёт хизматиде камарбаста.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

...Бахшининг овози олислаб эшитилмай боради. Кир устида алондай тиллаб турган шомга кириб кетаётган боболарнинг элас-элас шарпалари қибла ёқда, кўк буржига илиниб қолган уч кунлик хиллолдай ортига қайтиб кета бошлайдилар. Хиллолнинг тахир шуъласида нур оралаб, ботин бўлиб бораётган ул азиялларнинг сас-садосиз кетишлари кун чиқар чоғида такрор бўй берадиган офтобдай умид бериб кетади. Аммо... бул дийдорга-ча орамизда қарийб бир асрлик фурсат дашти ястаниб ётганини на биз, на ул кишилар биладилар.

Кўри ўган сандалдай совук, хувиллаган уйлардай бемурод ўттизинчи йиллар эди. Бу ўрол сўзлар ҳали манзилига етмаган қарвондай ингранган ва бенаво эди у дамларда. Бахшининг юқоридаги айтганлари ордан кўп ўтмай ўз рўйини топганида ўзи бу оламни тарк этган эди...

Унда даврон бошқа эди, қўй-қўзи тугал, тўрти қаша, тўрти тўбал эди. Эл гаштини сурган напормон кунларнинг айтимлари адирлардан келиб турган улқон чавандозлар гурросига уйқаш эди.

Кун тиккадан қиялаб, пешинни қазо қилиб ўқийдиган маҳалдан ўтган бир дамда Қўхитанг тоғнинг адоқидан эллик-олтмиш отли-туяли қарвоннинг боши қўринган эди. У пайтларда Шернанинг ўспириндан ўтиб, бўз йилгитга етаётган бир туйғулалош кунлари эди. Бахши бўлиб танилмаганида, буни бировлар башорат ҳам қилмаган эди. Олдида юрган қўй-қўзисини боқиб, ўзи ясаган дўмбирасини чертиб юрар эди у замонларда.

Қирнинг сакиртма-сўқмоғида, тоба тошга дам қўйиб ўтирган ёш Шерна авжи келиб, ўзига махлиё — ўзи ўзига йўқ, ўзи оламда йўқ бўлиб дўмбира чертарди. Дўмбиранинг тилсиз ноласи тошдан тошга урилиб баттар дардланиб қарвонга етиб бораётганидан ҳали бул бўз йилгит беҳабар эди. Шеробод дарёдан сувга қониб, куннинг иссиғида юрсамми, юрсамми, деб бораётган қарвон уловлари бир майдон қирдан келаётган дўмбира ноласини қулоқ қоқмай эшитиб борди. Гангир-гунгур суҳбатлашиб келаётган йўлчиларнинг саси ҳам тинди. Отлар кишнамай қўйди, туялар пишқирмай турди, қўзи-улоқ иришаламай, тошдан тошга сакрамай, авралган чумқудай жим-жит қолди. Одамлар... одамларни юқоридан пастга энаётган дўмбиранинг ўрқач-ўрқач ноласи худди сел оқизиб кетгандай қарахт қилиб қўйди. Бутун дарада биргина қув ёғочнинг овози эшитилиб турди. Эшитилиб турмади, кузакнинг тийра осмонидан бу товуш осилиб туриб қолди.

Бу дўмбирага уйқаш, ёқими овоз қанча эшитилиб турди, нимани қўйлади, кимнинг дардини дарага ёйди буни биров билмади, аниқ ҳисоб ҳам қилмади. Шунда дастлаб қарвонда бораётган сарбонлардан бири баландга, қирга қараб товуш берди:

— Қув ёғочни зор қақшатган бўз йилгит, қорангни қўрмайман, қўзимга кун тушапти. Лекин овозингдан Қалмоқдан қайтган Алпомишга менгазайсан. Дўмбиранинг тошга уриб синдир, бўлмаса, ёш бошинга бир балони тортасан. Қарвонни тўхтатганинг хосияти йўқ, айниқса, тилсизни тилга солган сендай мардонага оғир келадими...

ди бу. Меҳнат бўлади, ширин жонингга жабр бўлади. Қарвоним тўхтаб қолмасин, юрт махтал бўлмасин...

Бу сўзларнинг мағзини чаққан Шерна дўмбирани олди-да қуйдан эриб турган тошга қўндаланг қилиб урди, дўмбира қарсиллаб синиб кетди, қўзи ичагидан қилинган торлари паришон осилиб қолди. Асли, бир қулоқ қув ёғоч синмади, даранинг бор тоши юмалаб кетгандай бўлди. Қарвон сарбони адоқдан туриб дуо қилди, йўлдошлари унга жўр бўлди. Қўхитанг-тоғнинг Хизр кезган қарвон йўлига бу дарадаги тошу гиёҳлар ҳам дуога қўл очгандай бўлди. Унинг эзгу дуосини

Шодмонкул САЛОМ

АСРЛАРДАН СЎҲЛАР ДЎМБИРА

йилгит эшитмади, билгани оқсоқолнинг тилови яхшилиқ эканини англагани бўлди. Қарвон қўзғалди.

Унинг бирида Хизр бор! Оқшом билан кун талашган ўша кечада Шерна бир туш қўрди. Бир томони қип-қизил адириб, бир томони ям-яшил, гул-лола очилган кенглик эмиш. Эғнидаги желагининг чап ўнгири қип-қизил қакраган адирнинг қуюнқоқ қумларини ялаган, ўнг ўнгири гул-лола ўсган яшил майсазордан шудринг терган бир оқ соқолли мўйсафид Шернага қараб келар эмиш. Мўйсафид бугун дарада адоқдан қўргани сарбоннинг ўзи эмиш. Шу киши унга зулфадор, боши қайрилма, гажаклари безалган, гулли бир дўмбира бериб кетди. Ҳеч бир гап-сўз бўлмади. Бўлса-да, Шернанинг эсида қолмади. У дўмбирани ўнгидан олгандай бўлди. Энди чаламан деган эди... уйғониб кетди. Бу туш Шернага дўмбира бермади, гўё бир улкан дарёнинг қирғоғига улоқтириб юборди бўз йилгитни. Бу дарёда ўзи сузди, бу дарёдан ётиблар сувсинини қондирди. Беадок даштларда Шернанинг кундан кун қўзи кенгайди, овози нурланди, сасига қироат инди, тилига сўз эш бўлди, қўллари гул тергандай нағма, куй териб олаверди. Ўзи эса улуснинг очик-ботин дарду қувончига роз қўшиб, юрда обрў топиб ўлғаяверди. Қўқда тарози юлдузи тенглашгандай бу айтгучи йилгит ҳам элнинг кўнглига тенг тушди. Шерна эди, Шерна бахши бўлди. Қўп замонлар юракларни ёмғирдай ўстириб ўтди. Унинг айтганларида катта юраклар катта ҳасратларни илгари, кичик кўнглилар каттарди...

Шерна бахши ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Шеробод бахшичилиқ мактабига асос солган тенгсиз оқин эди. "Алпомиш", "Гўрўғли", "Қун-туғмиш" туркумига кирувчи ўттизидан зиёда дostonларни айтган, ўзидан олдинги ва замондошлари бўлган Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Қора бахши, Умир бахши, Мардонақул бахши, Улаш бахши каби қўшиғи осмонни тутган чечанлар билан тенг туриб дoston қуйлаган айтармон эди. Икки тоғнинг ораси — Бойсун билан Боботўғнинг офтобрусида бахшининг овози...

зи етмаган санглоқ ҳам, товушидан бир дам оёқ илиб, сўнг айқириб жўнавермаган дарё ҳам, бағри қуийиб, кўнгли тўйиб анграйиб ётмаган даштлар ҳам йўқ эди. У айтган дostonлар, термалар, номалар ундан кейин шаклланган воҳа бахшилари тилида қайта сайқалланди, тобига келди, қиёмига етди.

Шерна бахши ўзининг Шарбат исмли сулув қизини кейинчалик атоқли қилиб бўлиб етишган Мардонақул бахшига узатади. Мардонақул билан Шарбатдан дунёга келган Хўшбоқ исмли ўғлон ҳам не вақтлар ўтган қўлига дўмбира олди. Бул йилгит ҳам

тин бўлиб, йўқ бўлиб кетадимикин-а? Эл-улус ўзининг кўнглидаги ботирларини дўмбирода бўлсаюм қўрқолмай ўтармикан-эй?", деган нолавор доғли кунларда ҳам бахшилар табиат юқтирган таътибини сақлаб, мардона қолаверди.

Хўшбоқ бахши бир муддатлиқ уйландан сўнг тагин сўзлай бошлади: — Шу тепадан узоқ кетма, дегич эди отам раҳматли болагимда, тўғридаги қирни кўрсатиб. Хайрон бўлар эдим. Мен бойовли бўлмасам, қан-

Қадриятларимиз

дай қилиб бу қирдан узоқ кетмайман... Отам саволими англагандай жавоб бергич эди: шу қирда кун-чиқарга қараб мен ҳам, Шернадай устозлар ҳам овозини пешлаган, қўларини етилтирган. Бу — дўмбира қир! Бу қирдан ўзоқлама дегани — ўзингдан узоқ кетма, Худо кўнглингга солганини қилиб юравер — кам бўлмайсан, дегани, улим.

Отам ҳам, мен қўрмаган Шерна бобом ҳам ўтди бу дунядан, лекин дўмбира ҳалиям бор. Дoston ҳалиям айтаёлапти. Отам кўрсатган қир ҳалиям кўкрак қериб турибди. Дунё ўтар экан, лекин шу қўйлар қолар экан. Не бир-не бир бахшиларни қўрмадим. "Алпомиш"ни тўққиз кеча-кундузда айтиб, муродига етказган бахшиларни қўрдим. Билганим шу бўлди: ичида дарди йўқ одам қуйлолмас экан, қўйлаб турмаса қўкракни қўрум, товушни эанг босар экан. Дардли одамнинг айтганлари элга эл бўлиб, қўқсига сингиб кетаркан.

Дардли-да ўтирик бўлмас экан, — Хўшбоқ бахши ўзига ўзи гапирётгандай бир аллозда сўзларкан, илкис менга қаради-да, шундай деди: — Эй, менга қаранг, бир нарсани сезасизми сиз ҳам? Кейинги пайтларда дoston айтадиган бахшилар қандай келтаётди. Дostonлар илгари тўй-сайларда айтиларди, ҳамма мириқиб эшитар эди. Бирор ҳавасманд одам тўй бериб бахши қақирсаям, борган

Унинг сўнги жўмласида кўп маънолар яширинлигини ҳис этиб турман. Унинг жим, ўйчил сарватидан наларнидир уққандай бўламан. Шунга сайин саволларим қўллагини англаб бораман. Аммо бахши жим...

Бахши ким ўзи? Дўмбира торларидан не сирлар айқашиб турибди? Дostonлар қатиди халқнинг улғу қалби бизга нималарни мерос қолдирган бўлса? Бахшининг жимлиги — оғир жимлик!

Тўйку халқнинг бошидан ўтказган кечмишларга шу сўз усталарию уларнинг қўлидаги сози ҳам бирдек шेरклигини ич-ичимдан тўя бошлайман.

Бахшини элни бузаяпсан, деб қулоқ қилиб, элни коммунист меҳнатдан қалғитаяпсан дея, сургун қилган кунларда ҳам дўмбира йўқолмади. Бахши қуй ва сўз қуршоғида яшаб юрарди. "Алпомиш"дай дoston ҳам ботин

бахши, тўй эгасини мақтаб, терма айтиб қайтиб кетаверадиган бўлиб қолди.

Тўри, бахшиларнинг республика танловлари, беллашувлари бор. Бу йилгиларда дoston қўловчи, терма айтувчи, ҳозиржавоб асл бахшиларни кашф этамиз. Лекин уларнинг айтадиган дostonларидан халқимизнинг ҳаммасиям баҳраманд бўлолмайдиди. Дostonларни китоб қилган, мактаб дарсликларига киритган Тўра Мирзаев, Малик Муродов, Қозоқбой Йўлдошевдай олимларимизнинг бори га шукр. Бахшилик — Ғарбининг энг етук мусиқий йўналишлари билан бемалол бўйлаша оладиган улкан санъат. Уни дунёга намоян қилмоғимиз учун мамлакатимиздаги барча бахшиларнинг меросини бир жойга йиғиш, янгидан китоб ҳолида нашр этиш вақти келди.

Нима демоқчиман? Дoston йўқолиб кетмаслиги керак. Президентимиз "Алпомиш"нинг 1000 йиллигини ўтказиб берди, халқнинг томирида ботин бўлиб кетаётган бойлиқни халққа яна қайтарди. Халқнинг кўкрагига шамол теги-ку. Бахшилар учун махсус унво-

тақил бўлди. Қияр қийимимизни ўзимиз бичиб, ўзимиз тикадиган бўлдик. Бу кўп катта гап.

— Бахши бобо, — дейман у кишининг гапини бўлиб, — хабарингиз бор бўлса, 2010-2020 йилларга мўлжалланган катта дастур қабул қилинган. Бу дастур халқнинг номоддий меросини сақлаш, йўқолиб кетаётган маънавий, маданий ёдгорликларни тиклашга, асраб қолишга қаратилган. Бу дастурга кўра 120 томлик халқ оғзаки ижоди намуналарини нашр этиш ҳам режалаштирилган. 120 томда дostonлар, мақоллар, топишмоқлар, маталлар, лапарлар, аския ва тез айтишлар жамланади. Бу ишнинг амалга оширилиши ҳам сиз айтгандай дostonнинг йўқолиб кетмаслигини таъминлайди.

— Бу ҳақда эшитдим. Бу катта савоб иш. Юз йигирмата китобда халқ оғзаки ижоди йиғилса, биз жуда улкан ҳазинага эга бўламиз. Аммо бир нарсани билинг: дoston ҳам, маталу мақол ҳам, биринчи навбатда, оғзаки тарзда пайдо бўлган. Оғзидан оғизга ўтиб, қўйма қулоқ зукколар томонидан элга ёйилган. Навоий давриддан илгариям халқимиз ёзув-чизувни билган-ку! Лекин бу халқ оғзаки ижоди, ўзи ўзи билан оғзаки ижоди. Бахши айтадиган дostonни ёзиб ўтирмайди-ку Юрағида пиштади, тилида эшиб элга етказди. Айтмоқчи-манки, дostonчилик аъналарининг келажак авлодга бус бутун етиб боришида фольклоршунос олимларимизнинг ҳам катта ўрни бор. Улар бахшилар билан яқин мулоқотда бўлиши, ҳамкорликда ижод қилиши зарур. Бу жараёнда дostonни яратувчи бахшилар янги асарни саралашади, бахс, ижодий мунозара бўлади. Дoston янада етилади. Гап шунда...

Хўшбоқ бахши Мардонақул билан дostonчилик, бахшиларнинг шаклланиш жараёни ҳусусида яна анчагача суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат сўнгиди бахшиларнинг авжи келиб, "Бозор ораласанг, бир донга майиз бўлса ҳам олгин — қуруқ чикма, дейишди. Дўмбира турган уйдан ҳам бир жуфт термасиз чиқиб бўлмайди", деганча созини жаранглатди. Асрлар давомида халқимиз тафаккурига маънавий нур бағишлаб келаётган бундай қўқна оҳанглари тингларканман, шунга амин бўлдимки, бахшичиликнинг катта вазифаси — халқ эътиқоди, ўзлиги тарбиясига қаратилган. Тингловчининг, ўқувчининг қалбида Ватанга, миллий қадрият ва халқпарварликка рух, ишонч беришга йўналтирилган. Бахшининг айтган дostonи гурурни юксалтиради, юракларда ботирларни ўстиради. Мухими шу! Бу меросни асрамоқ, янада ривожлантирмоқ ҳар биримизнинг маънавий бурчимиздир.



ну мукофотлар таъсис қилинди. Дostonи бор халқ катта халқ бўлади, дер эди, устозларимиз. Ўзбекнинг шундай катта дostonи бор, бундан гурурланамиз! Дoston тиклангач, олдинлари тўйдан бошқа жойларда ўзини кўрсатолмаган чечанлар катта давраларга жалб қилинди. Бунинг қадрига етиш керак эмасми? Шерна бахши айтган беш қорин — беш авлод ўтгандан сўнг, эл халқ ўзига қайтди. Мамлакат мус-

ХОТИРА КЕЧАСИ

"Туркистон" саройида шоир Чустий (Набихон Хўжаев) таваллудининг 110 йиллигига бағишланган хотира бўлиб, дўстлар саломат бўлса бас" деб номланган мазкур анжуман республика Байналмилал маданият маркази ҳамда "Ёшлик чашмалари" ансамбли ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан адиб ва шоирлар Чустий ва унинг ижодий мероси ҳақида сўзладилар. "Навоий аналарини давом эттирган сўз устаси, шеърлари

кўнглига яқин, ўзбекона, халқчил, содда ҳамда тушунарли", дея таъриф берилди шоирга. Концерт дастурида Чустий ғазаллари асосидаги "Меҳрибонлар суҳбати", "Фарзанд учун", "Ким кейин, ким илгари", "Тинчлик-саломатлик керак", "Ақли расо бўлса", "Сурмага муҳтож эмас", "Жафо қилма" ва бошқа ашулалар янгради. Ашулаларни Муножот Йўлчиева, Абдуҳошим Исмоилов, Фуломжон Ёқубов, Зулайхо Бой-

хонова, Собиржон Мўминов, Ёдгор Саъдиев, Замира Суянова каби таниқли хонандалар ҳамда "Ниҳол" мукофоти совриндорлари ижро этишди.

М.ИСЛОМОВА

МУҲИМИ — БЕФАРҚ БЎЛМАСЛИК

"ЎзАС", 2014 йил 42-сон



Инсон қалби, шуурига таъсир этувчи санъатлар орасида кино алоҳида мактабга эга. Замон ва маконни тасмалларга муҳрлаб, шахс ва жамият тақдирининг мураккаб эврилишларини ҳаракатда ифодаловчи бу санъат шубҳасиз мўъжизадир. У бир вақтнинг ўзида миллионлаб нигоҳларни сеҳрлаб, тили, миллати, ёшидан қатъий назар, барчани бирдек мафтун этиши мумкин. Ҳатто биргина филм бутун бошли авлодни тарбиялашга хизмат қилиши ҳам бор гап.

Шу маънода "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида "Излашиллар палласи" номли давра суҳбатининг чоп этилиши айна муддао бўлди. Суҳбатда айтилган фикрлар аниқ-равшанлиги, баланларвоз истак ва иддаолардан йироқлиги, энг муҳими, амалий саяё-ҳаракатларга қўмак бериши билан ажралиб туради.

Маълумки, яхши сценарий — картина муваффақиятининг қарийб ярми демакдир. Киносценарий ёзишга қолганган ижодкор эса сўз санъатидан яхшигина хабардор бўлиши, қолаверса, киносценарий ўзига хос қонуниятларини пухта билиши зарур. Кино ҳақидаги юзаси тасаввур, уч-тўрт филмни томоша қилиб чиқа-

рилган хулоса сценарий ёзиш ҳуқуқини бермайдми.

Афсуски, бугун сценарий ёзишга даъвогарлар кўпайиб кетди. Қиёмига етмаган, адабий жиҳатдан бўш, хом-хатала асарни тарғиб-ташвиқ қилиб, қўярда-қўймай кино қилаётган "ижодкорлар" пайдо бўлди. Албатта, ижод эркинлиги кафолатланган замонда ҳеч кимнинг йўлига тўсиқ қўйиб бўлмайди. Аммо эркинлик суиистеъмол қилинса-чи? Бу фақат миллий киноимизнинг савияси тушишига сабаб бўлади.

Ўзини кино санъатига дахлдор деб билувчи сценарийнависларнинг кўпайиши ижобий ҳолат аслида. Лекин кинорежиссёр Баҳодир Одилов таъкидлаганидек, хомчўт қилинса, аксарият сценарийларни ҳаваскорлар ёзаётгани маълум бўлади. Бундай сценарийлар агар салоҳиятли режиссёрнинг қўлига тушмаса, ўрта-миёна ёки ундан-да паст савиядаги филм дунёга келади.


Хўш, масаланинг ечимини нимада? Қандай қилсак, вазият ижобий тус олади? Шубҳасиз, кинодраматургия билан шуғулланаётган профессионал ижодкорлар сони оз. Боз устига, ёш сценарийнавислар катта ўзганга тушиб олиши учун анчагина вақт керак. Дра-матургия, хусусан, сценарийнавислик муайян ҳаётий таърибалар, кузатувлар замирида туғилади. Давра суҳбатида қайд этилганидек,

олий таълим даргоҳлари профессионал сценарийчи тарбиялаб бериши учун ишчи шу йўналишга иктидори бўлган истеъдодли ёшларни қабул қилишдан бошлаш зарур. Назаримизда, бўлажак режиссёр, оператор ва сценарийнависларнинг биргаликда таҳсил олишлари учун имконият яратиш ҳам бу борада ўз самарасини беради.



Гап миллий кинодраматургиянинг бугунги ҳолати ҳусусида кетар экан, шу йўналишда ижод қилаётган Э.Аъзам, М.Мухаммад Дўст, Ш.Бошбеков, Ё.Тўйчиев, А.Йўлдошев,

Ф.Шермуҳаммад, Т.Шомуродов ва бошқаларнинг излашилларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Аммо тан олиш керак, эл орасида расман "сценарийнавис" сифатида танилган ижодкорларнинг барчаси ҳам бугунги киножараёнда фаол эмас. Шундай экан, суҳбатда таъкидланганидек, режиссёрлар бадий адабиёт намуналарига кўпроқ мурожаат қилишлари



керак. Охириги йилларда Голливуд ижодкорлари дунё адабий меросига таъсир қилишга қўшган ҳисса-назарини ҳис қилиш керак. "Евгений Онегин", "Анна Каренина", "Буюк Гэтсби" сингари филмлар фикримиз далилидир. Айна пайтда ўзбек кино ижодкорлари ҳам адабий асарларга таъйин иш қўришлари ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Бу амалиёт фойдали экани истисно қилинган суратга олинган "Ёдгор" (Х.Насимов), "Пиёда" (Р.Маликов), "Елғиз ёдгорим" (С.Назармухамедов), "Тилсимли — ғаройиб қизалоқ" (М.Боймухамедов), "Қор қўйида лола" (А.Шаҳобиддинов) каби филмларда ўз тасдиқини топган.

Профессионал режиссёр давлат филми кинода фаолият кўрсатишдан қатъи назар, аввало, бадий савияси етук картина яратиши бош мезон қилиб белгилайди. Моддий манфаатдорликни четга су-

риб, ижодий фантазияси, новаторлик қобилиятини кўрсатишга интилади. Ачинарлиси, кўпгина хусусий киностудияларда бу тамоилнинг аксини кўрамай. Реалликдан йироқ сунъий воқеалар, шовқин сурону кўчабоп сўзлар йиғиндисидан иборат "филм" бирикки эпизоддаёқ қандай илнжда суратга олингани сезилиб қолади. Шундай филмлар

борки, томошабин биргина эпизодни кўриш учун бутун бошли картинани босдан-оёқ томоша қилади. Бундай

эпизодлар бир-икки дубл билан тасвирга олинмайди. Классик картиналарда битта сахна учун ойлор, йиллар сарфланган. Масалан, япон кинорежиссёри Акира Куросава машҳур "Ран" филминини суратга олаётганда, Хиндистон тоғларида лайлак қор ёғишини узоқ вақт кутади. Таассуфки, қиш фасли бўлса-да, табиат инжиқлик қилиб, қорнинг учқун ҳам кўринмайди. Ижодий жамоа чарчаган, баъзилар ортга қайтишга ҳам тайёр турарди. Ниҳоят осмонда майда-майда қор парчалари пайдо бўлади. Ҳамма севинчдан қичқириб юборган, лекин Куросаванинг хечрасида хурсандлик сезилмасди. "Бу мен кутган 'лайлак қор' эмас. Тасаввуримдаги эпизод учун айнан шу қорни қутишимизга тўғри келади". Агар бизда ҳам ҳар бир филмга шу тарзда муносабат бўлганида, бугунги ўзбек киносининг савияси бошқача бўларди.

Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ

Китобга ақл чироғи, камолотга етакловчи сўқмоқ, умр йўлини ёритувчи машъала каби бир қатор сифатларни бериш мумкин. Ҳақиқатан, яхши китоб кишининг ҳам руҳияти, ҳам тарбиясига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Аслида китоб — ҳеч қачон ташлаб кетмайдиган дўстдир.

Яқинда "Янги аср авлоди" Махид Махмудов ва Наргиза Исмаиловалар таржимасида Хитой файласуфи Конфуцийнинг "Сухбат ва мулоҳазалар" ("Лун Юй") асарини ўзбек ва хитой тилларида нашрдан чиқарди.

"Сухбат ва мулоҳазалар" асари нихоятда бой мазмун-моҳиятга эга. Унинг аксарият қисми инсониятнинг ижтимоий ҳаёти масалаларини қамраб олган бўлиб, Хитой халқининг руҳияти ва ахлоқий хатти-ҳаракатларига катта таъсир кўрсатган ва шундай бўлмоқда.

"Ўзингга раво кўрмаганни ўзига ҳам раво кўрма" шиори Конфуций гоёларининг моҳияти ҳисобланади. Пок инсонда беш ҳислат бўлади, у умрини шу тамойил асосида яшашни керак, деб уқтиради мутафаккир. Биринчи қоида — одамларга муҳаббат, меҳрибонлик, инсонпарварлик, иккинчи қоида — ҳақиқат, адолат. Инсон яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариши лозим. Учинчиси — удум, одат, анъанага содиқлик. Масалан, ота-онага ҳурмат кўрсатиш. Тўртинчиси — соғлом фикр, донолик, оқиллик, ўзига четдан қараш ва баҳо бера олиш. Бешинчиси эса — самимият, пок ният, хур фикр, саҳийлик ва виждонлилик.

Мазкур китоб илмга, маърифатга, зиёга чанқоқ ўқувчига йигирма беш асрдан буён инсониятга ақл чирокларидан бирини тутиб келаётган буюк мутафаккир сиймосини яқиндан таништиришга имкон бериши шубҳасиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист М.Обидов тузиб нашрга тайёрлаган китобга таниқли адиб ва мутаржим Иброҳим Фафуров муҳаррирлик қилган.

Янги нашрлар



Таниқли пианиночи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аддиба Шарипованинг номи мусиқа санъати ихлосмандларига яхши таниш. Мухлислар яқинда ўзбек фортепиано санъати довуғини жаҳонга ёйишга муносиб ҳисса қўшган бетақор созанда истейдоднинг яна бир қиррасидан боҳабар бўлдилар. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида санъаткорнинг "Преломление" деб номланган китоби чоп этилди. Номидан ҳам кўриниб



турибдики, китоб мусиқа ҳақидаги бошқа рисолалардан тубдан фарқ қилиб, мусиқий товушлар йўналишини ўзгариши каби маъноларни аниқлади. А.Шарипова мусиқа санъатида ўзгача тарзда ёндашади ва муҳлисларга унинг моҳиятини ўзига хос йўлда тушунтиришга ҳаракат қилади.

Китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда "устоз-шогид" анъаналари, таниқли педагог Тамара Поповичнинг педагогик устахонаси, баркамол авлоднинг шакллантириш востиси сифатида концерт-кўргазма фольклорининг замонавий шакллари борасида фикр юритилади. Иккинчи боб ижрочилик санъатининг бебаҳо дурдоналарига бағишланган. Учинчи бобда "Буюк илақ йўли" лойиҳаси ҳақида, тўртинчи бобда эса Ўзбекистон фортепиано мусиқаси ижрочилик услублари ҳусусида сўз боради.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мазкур китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар муаллифнинг кўп йиллик ижодий ва илмий-педагогик фаолияти махсули бўлган мазкур китоб ўқитувчилар, талабалар, созанда, тарихчи, санъатшунослар, ўзбек мусиқа санъатида қизиқувчилар учун бой манба эканини таъкидладилар.

С.ТУРСУНОВ

Дилноза ЗОКИРОВА

Шохрух УБАЙДУЛЛАЕВ

ИЖОДКОР СОҒЛОМ БЎЛСА...

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси шаҳар марказида — хушманзара жойда жойлашган. Ушбу маскан дарвозасидан киришингиз билан кўзингиз донишмандларнинг, таниқли ижодкорларнинг ижод, китоб ҳамда саломатлик ҳақидаги бебаҳо ўғитлари битилган лавҳаларга тушади.

Гарчи куз бўлишига қарамасдан ҳалиям ўзининг яшиллигини сақлаб турган дарахтлар, турфа гуллар баҳор, ёз ойлари бу ернинг нақадар хушманзара бўлганини аниқлади. Поликлиниканинг ташқи томонига ҳамоҳанг ички кўриниши ҳам шинамгина. Олпоқ мармар йўлакларга тўшалган майса рангли поёндоз ям-яшил хонаки гуллар... Буларнинг барчаси кайфиятингизни кўтарилади. Ҳамшираларнинг ширинсуханлик билан салом бериши дилингизга ҳузур бағишлайди. Ҳар бир ходимнинг кўлида китоб. Юқорида кўтарилиб бўлимларга назар ташласангиз ҳам кўзингиз яна гуллар ва китобларга тушади.

Бош шифокор Анвар Ражабовнинг хонасида ҳам "Ёшлик", "Шарқ юлдузи", "Жаҳон адабиёти", "Китоб дунёси" каби журнал ва газеталардан ташқари турли мавзудаги китоблар...

— Аслида болалигимдан китобга қизиқаман. Оиламизда ҳамма китобни севиб мутулаа қилади. Уйимизда ҳам кутубхонамиз бор, — дейди Анвар ака. — "Китоблар қалбини ёритади, инсонни юксаликка кўтарилади ва кучига куч



қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади, ақлни чарқлайди", деган ҳикматда теран маъно бор. Мен эса китоб руҳни поклайди, иродали бўлишни ўргатади, деган бўлардим. Иродали, руҳан соғлом одам эса беморликдан йироқдир. Менга кўпроқ тарихий мавзудаги китоблар ёқади. Ундан ташқари, даволанишга келган ҳар бир ёзувчи, шоирларнинг ижоди билан, албатта, танишиб чиқаман. Ходимларимга ҳам улар ижодидан боҳабар бўлиб боришни уқираман. Қола-

верса, эл севган ижодкорлар соғлигини тиклаш, саломатликларини мустаҳкамлаш учун ҳар қанча иш қилсак оз. Зеро, бахт, энг аввало, соғлик демакдир.

Анвар ака билан суҳбатимиз жараёнида қайси ходимнинг қандай китобларга қизиқишига билиб олдим. Шунда ҳаёлимдан "ижод-

вортиб, соҳамиз ва тарихий мавзулардаги китоблар ҳамкасбларимнинг доимий ҳамроҳига айланган. Маънавият хонасида кўрганингиздек кундалик газета ва журналлар ҳам қўлма-қўл ўқилади. Ўзим эса мана бу "Тиббиёт ходимлари маъ-

Эътибор

навияти" китобини ўқияпман. Бу китобда нафақат соҳа мутахассислари, балки ҳар бир одам ўқиб билиши керак бўлган жуда кўп масалаҳатлар бор.

Мен поликлиника фаолияти билан яхшироқ танишиш мақсадида бўлимларга кирдим. Кўз шифокори Тозагул Раимбоева беморлардан бирининг кўзларини текшираётган экан.

— Ёзувчи ва шоирларимиз кўпроқ кўз нуруни ошириш учун мурожаат этаётганлари боис, офталмолог хонаси замонавий аппаратлар билан жиҳозланди, — дейди Ҳамид ака. — Энг замонавий тиббий ускуналар орқали беморлардаги ҳар қандай кўз касаллигини аниқлаб ташхис қўйиш мумкин. Қулоқнинг эшитиш қобилиятини текширадиган аудиометр, тезкор равишда қондаги қанд миқдорини текширадиган глюкометр каби тиббий асбоблар орқали касалликларни эрта аниқлаб, олдинки олиш имкони пайдо бўлди. Масалан, лаборатория хонасидаги гематологик анализатор ёрдами-

да қисқа муддатда қоннинг 18 турдаги таҳлилини аниқлаб, беморга профилактик ёрдам бериш, эрта ташхислаш йўлга қўйилди. Қолаверса, поликлиникамизда "Соғлом бола йили" муносабати билан ижод аҳлининг 18 ёшга бўлган фарзандлари соғлигини кузатиб бориш мақсадида педиатр, болалар невропатолог бўлимлари ҳам иш бошлади.

Дарҳақиқат, ушбу масканда ижодкорларга берилаётган эътиборни кўриб беҳитёр Ўртбошимизнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" асари ёдга тушади. Унда таъкидланганидек, истейдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, барча шарт-шароитларни яратиб бериш энг олий вазифага айлангани уларга кўрсатилаётган тиббий хизматдан ҳам билиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан келишилган ҳолда жойлардаги уюшма аъзоларининг соғлиқларини назорат қилиш ва касалхоналарда бепул даволаш ишлари юзасидан йилгир бир марта тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилгани ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликнинг ифодасидир. Зеро, поликлиника шифокорлари ўзларининг ширинсуханлиги, фидойилиги билан нафақат эл сўйган ёзувчи шоирларимиз саломатлигини мустаҳкамлашга, айти чогда адабиётимиз юксалишига, янги-янги асарларнинг дунёга келишига ҳам ўз ҳиссаларини қўйишмоқда.

Барно СУЛТОНОВА

Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида "Соғлом бола йили"га бағишланган "Олам ва одам — болалар нигоҳида" номи кўргазма очилди. Унда Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва

билан акс эттирган бўлса, Юлдуз Муртазоева "Мақсадимиз — тинчлик" мавзuida гўзал манзаралар яратган. Ҳар бир суратда ўсимлар тасаввур, тафаккури мужассам. Кўргазма қатнашчилари шу йил Италия,

танишдим. У ердан олган таассуротларим ижодий ишларимнинг ранг-баранг бўлишига ёрдам беради, деб ўйлайман.

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида "Бепоев йилар" номи кўргазма очилди. Унда ўзбек театр санъатининг ёрқин намоёндаларидан бири, мохир расом Георгий Брим анъаналарини давом эттираётган расомларнинг турли спектралларга ишланган сценарий композициялари намоиш этилмоқда. Даврон Ражабов, Шухрат Абдумаликов, Даврон Рустамов, Фурқат Бозоров, Ольга Белогузева, Зиёда Зокирова, Жамшид Валиев, Лилия Ахунова сингари замонавий сценарийлар ижодининг ёрқин намуналари томошаларда қизиқиш уйғотиши табиий. Айниқса, Миллий расомлик ва дизайн институтининг тўртинчи босқич талабаси Даврон Рустамов-



нинг "Спартакнинг энгиллиши" балетига ишлаган саҳна безаги барчага манзур бўлди. Кўргазма доирасида таниқли актёрлар ижросидаги саҳналаштирилган томошалар тадбирга файз бағишлади.

Сарвара ҚОСИМОВА

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Арктика кундаликлари

Артур Конан Дойл (1859-1930)нинг саргузашт асарлари миллионлаб китобхонлар қалбини забт этган. Яқинда машҳур адибнинг шу чоққача нашр қилинмаган кундаликлари жамланган "Оғир иш. Арктика" китоби катта тиражада босилиб чиқди. Ёзувчининг кўп минглаб муҳлислари учун ажойиб соғва бўлган ушбу китобдан Арктика экспедицияси таассуротлари ўшб олган.

1880 йил баҳоридида тиббиётчи-талаба Конан Дойлнинг кутилмаганда кит оловчи кемада олти ойлик сафарга чиқишига тақлиф этилади. Бўлғуси ёзувчи Арктика сафаридан ён дафтарини саргузашт-қайднолар ва суратларга тўдириб қайтади. Конан Дойл ҳаётининг бу даври унинг мемуар асарларида қисман ёритилган бўлса-да, кўплаб қизиқ, айти чогда, фожиали ва галати ҳодисалар, улар билан боғлиқ деталлар, ёш йигитнинг тоза нигоҳи билан кўрилган, кузатилган воқеалар таассуроти тушиб қолган эди. Янги китобга эса адибнинг олис денгизлар оша саёҳатида доир мақолалари, "Кўтб юлдузи" капитани" номили ғайритабиий кучларга ишонч руҳидаги новелласи, шунингдек, Шерлок Холмс ҳақидаги "Қора Питернинг саргузаштлари" ҳикоси ҳам киритилган.

Артур Конан Дойл Шотландия пойтахти Эдинбургда расом ва архитектор оиласида туғилган. Ёзувчи бўлиб камол топишида онаси Мэри Фолининг кўп китоб ўқиши, уларни болаларига марокли қилиб сўзлаб бериши муҳим аҳамият касб этган. Адибнинг "Олабула тасма", "Тақдир шуъласи" каби саҳна асарлари ҳамда "Қонгодаги жиноят", "Ғариб дунё", "Заҳарланган камар" каби қисса ва романлари ҳам Шерлок Холмс ва доктор Ватсон ҳақидаги "Тўқ қизил тусдаги этюд" романи сингари анча машҳурдир.

Саҳна асарлари устаси

Замонавий инглиз драматурги Говард Баркернинг "Имкониятлар" деб номланган саҳна асари жаҳон тилларида таржима қилинмоқда. Адибнинг кўпгина саҳна асарларига инглиз адабий танқидчилиги "фалокат саҳналари", деб ном берган.

Г.Баркер 1946 йили Лондонда муқоваловчи оиласида туғилган. 1970 йили илк саҳна асари эълон қилинганидан сўнг театрлар учун 60 дан ортқ песа, радио ва телевидение учун эса 20 га яқин теле ва радиосаҳна асарлар ёзган. Унинг очик публицистик руҳ, фалсафий мушоҳада ва лирик кайфиятга йўғрилган асарларида қаҳрамонлар тўғридан-тўғри томошанинг мурожаат қилиб, улар бевосита иштирокчиси бўлган воқеаларни шарҳлайдилар.

2014 йилги адабий мукофот соҳиблари

Европа адабиёти бўйича Австрия давлат мукофоти Людмила Улицкаяга, Дублин IMPAC адабий мукофоти эса колумбиялик ёзувчи Хуан Габриэл Васкесга "Тушайтган жижовалар товуши" романи учун берилди. Швед академиясининг Ларс Густафсон номидаги адабий мукофоти чехиялик ижодкорлар — Эмил Гаклга "Ҳақиқий воқеа" романи, Катержина Рудченковага "Қумтепалар узра" шеърий китоби, Йирчи Падевитга "Қарамлик вақтидаги Прага йўлқўрсаткичи" асарлари учун берилди. Гёте номидаги халқаро мукофот швейцариялик ёзувчи Петер фон Маттга, ЮНЕСКОнинг Х.К. Андерсон номидаги адабий мукофоти Нахоко Уэхасига насиб этди. Словениянинг Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари адиблари учун таъсис этилган Виленица мукофоти Ласло Краснахоркаига берилди. Бу адиб "Си-Ван-Му бизнинг орамызда" романи учун АҚШнинг энг яхши таржима асарларга аталган мукофотга ҳам сазовор бўлди. Буюк Британиянинг энг яхши насрий таржималарга бериладиган "Интендент" мукофоти Хасан Бласим (Ироқ, Финляндия)га "Ироқлик Исо" новеллалар китоби учун тақдим этилди.

Америкалик адиб Донна Тартт "Савья" романи, Эни Бейкер "Флик" саҳна асари, Меган Маршалл "Маргарет Фуллер: америкача янги ҳаёт" биографияси, Виджей Сешадри "З кўти" шеърлар китоби, Дэн Феджин "Томс Ривер: или ва халос этиш тарихи" журналистик тадқиқи учун АҚШнинг Пулитцерлар мукофотига лойиқ топилди. Алберт да Кошта-Силва Бразилиянинг Камос мукофоти, Франц Мон ва Томас Вендлов Петарка мукофоти сазовор бўлишди.

2012 йили Мюнхендаги "Мулоқот" ижодий уюшмаси (Янги Мюнхен маданият форуми) ҳамда Отто Загнер нашриёти томонидан таъсис этилган "Доиминанта" мукофоти шоир ва танқидчи, 1978 — 1988 йилларда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтини да сабоқ берган фалсафа фанлари доктори Константин Кедровга берилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевага отаси

Абдували ЙЎЛЧИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевага падари бузруквори

Абдували ЙЎЛЧИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ифхор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Ҳафиза Эгамбердиевага отаси

қўлдош отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РАНГЛАР ОЛАМИГА САЙР

санъат академик лицейи ўқувчиларининг юздан ортқ асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Суратларда она Ва-

Австрия, Чехия, Полша, Россия ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва танловларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни кўлга киритишган.

— Болалигимдан расм чизишни яхши кўрадим, — дейди ўн беш ёшли Муҳаддас Ҳафизова. — Лицейда жонқуяр устозим Абдурахмон Норқобилонинг саъй-ҳаракатлари туфайли чизиш маҳоратимни шакллантиришга эришдим. Италияда ўтказилган халқаро танловда биринчи ўринга сазовор бўлдим. Венеция табиати ва маданияти билан яқиндан

Кўргазма залларида

танга, табиатга бўлган меҳр-муҳаббат, дўстона муносабатлар, улуғвор тарихий обидалар ўсимларга хос самимий, беғубор манзаралар орқали ифода этилган. Наврўз Шукуров тарихий шахарларни мароқ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзиллимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзиллимиз: info@uzas.uz, uzas@mc.uz

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахриратга келган кўлэмлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахриратнинг нуктаи назаридан фарқланши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.18

Газета Ўзбекистон Матбуоти ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 7628 Бўртма I — 1157. Ҳажми — 3 босма тавба А-2.
Навр кўрсаткичи — 222. Таъкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000